


ХОТИРА ЧИРОФИ ЎЧМАГАЙ, МАНГУ ПОРЛАР ҚАДР ШУЪЛАСИ



бош эгади, — деди Ислон Каримов. — Биз Хотира майдонини зиёрат қилиб, муқаддас Она сиймоси олдида таъзим бажо келтириб, мана шу майдондаги лавҳаларга олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган уруш қурбонларининг номларини кўз ўнгимиздан, қалбимиздан ўтказамиз, уларнинг хотирасини ёдга оламиз. Уларнинг арвоҳларини шод этиш учун дуои фотиҳалар қилиб, ўз инсоний бурчимизни адо этамиз.

Шу билан бирга, бугун ҳаёт бўлган, орамизда яшаётган уруш қатнашчиларининг умри нечоғли ганиматли, уларнинг олдида қарздор эканимизни хаёлимиздан ўтказамиз. Бундай маросимлар халқимиз учун савобли аънамага айланиб бораётганидан барчамиз хурсандмиз.

Мана шундай маросимлар халқимиз маънавиятининг янада юксалишига, аввало, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишига, уларнинг ўз ота-онаси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчинини адо этишига мангу даъват этувчи восита бўлиб қолади.

Ишончим комилки, бундай маросимларнинг таъсири халқимиз ўз ўтмишига, ўз илдишларига қайтиши, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаши жараёнида тобора кучайиб боради, деб таъкидлади Президент. Чунки хотирасиз яшаб бўлмайди. Хотирасиз на миллат, на халқ бор ва бўлмайди ҳам. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки ҳақида тўхталар экан, айрим рақамларни келтириб ўтди.

Уруш арафасида, 1941 йилда Ўзбекистонда 6,5 миллион киши яшаган бўлса, шундан 1,5 миллион нафари урушда қатнашган. Агар аҳоли сонидан чақалоқларни, воёга етмаганларни, қарияларни чиқариб ташласак, 50 фоиз, яъни 3 миллион нафарга яқин қурол тутишга қодир кишининг ярми урушга кетгани аён бўлади.

420 минг киши урушдан қайтмаган. 640 минг нафар ватандошимиз жароҳат олган.

(Давоми 2-бетда)

Она Ватан тақдири, халқ келажиги йўлида жонини тиккан фидойи инсонларни ҳамisha хотирлайдиган, ўтганлар олдида маънавий бурчи борлигини мудом ёдда тутиш баробарида бугун сафларимизда туриб эл-юрт обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшаётган табаррук кексаларнинг ҳурматини жойига қўйишни ҳеч қачон унутмайдиган миллатнинг истикболи порлоқ экани шубҳасиз.

Юртбошимиз Фармонига мувофиқ Хотира ва Қадрлаш куни деб аталган 9 Май мустақиллик йилларида инсон хотираси ва қадрига нисбатан адолатни тиклаган, асл ҳақиқатни ўзида акс эттирган муҳим тарихий санага айланди.

Мазкур байрам бу гал «Обод маҳалла йили»да ни-

шонланаётгани ҳам ўзига хос рамзий маънога эга. Негаки, Хотира ҳам, Қадрлаш ҳам инсон ақлу заковатининг улуг неъматини, ҳеч қачон эскирмайдиган, абадий ва ардоқли одамийлик мезонларидир. Зеро, обод деганда халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик-осойишталик, ўзаро меҳроқибат, аҳиллик, қут-барақа ҳукмрон бўлган жойларни, балки қалб ободлигини, руҳ бойлигини, маънавий гўзалликни ҳам тасаввур қилади.

Ушбу тушунчалар замирида инсонга, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, хотираси, қадр-қимматига эҳтиром туйғуси, эъзоз, имон, эътиқод, савоб, муруват, хайр-саховат каби эзгу амалларга дахлдорлик ҳисси мужассам. Бу маънавий қадриятлар халқимиз неча минг

йиллардан буён улуғлаб келаятган тинчликпарварлик, бунёдкорлик мақсадларига ҳамоханг. Улар ҳаётнинг, истиклолнинг, Ватаннинг қадрига етишдек олижаноб ниятларга жуда мос ва хосдир...

9 май куни пойтахтимиз марказидаги Хотира майдони янада гавжум бўлди. Эрта тонгданоқ бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари, қалбида ўтган авлодлар хотирасига, нуронийларга ҳурмат ва эҳтиром жўш урган ёшлар йиғилди.

Зиёратгоҳ узра сокин мусика садоси таралади. Жанггоҳларда жон берган ватандошларимиз номларини ўз саҳифаларида абадиятга муҳрлаган «Хотира китоби»нинг металл варақлари сукутга чўмган. Урушда фарзандидан

жудо бўлган ғамгузор Она сиймосида мунгли, аммо улуғвор тараддуд зоҳир...

Соат 9.45. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида, Ватан равнақи ва озодлиги йўлида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этди.

— Бугун халқимиз ўзининг инсоний бурчини бажо келтириб, уруш жангу жадалларида ўз юрти ва яқинларини, жонажон Ватанини ҳимоя қилиб ҳалок бўлганларни, мана шу ёруғ кунларга етиб келолмаганларни эслайди, уларнинг ўлмас хотираси олдида

Айни вақтда Хоразм вилоятида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари орасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг якунловчи финал босқичига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Халқ таълими вазирлиги, «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг ҳамкорлигидаги фаолият натижаси ўлароқ, тайёргарлик бўйича режаланган тадбирлар ниҳоясига етказилмоқда.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари матбуот марказига телевидение, радио, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигидан ташқари, яна 26 та марказий ва маҳаллий

газеталар таҳририятлари мурожаат этиб, ушбу спорт ўйинларини ёритиш истагини билдиришган. Матбуот марказига тушган таклифлар ўрганилиб, жами 121 нафар оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказилди.

Хоразмда бўлиб ўтайдиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларида мусобақалар жами 12 та спорт тури бўйича 17 та масканда ўтказилиши кутилмоқда.

Жаҳонгир МУСАЕВ,
«Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари матбуот маркази раҳбари



ХОРАЗМ
ЖУРНАЛИСТЛАРНИ
ҲАМ КУТМОҚДА

ХОТИРА ЧИРОҒИ ЎЧМАГАЙ, МАНГУ ПОРЛАР ҚАДР ШУЪЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Афсуски, урушдан омон қайтган фидойи ватандошларимизнинг сафи йилдан-йилга камайиб боряпти, деди Юртбошимиз. Бугун мамлакатимизда уруш иштирокчиларининг сони 51 минг нафарга яқин. Шулардан 36 минг киши ярадор ва ногирондир. Бу рақамларни келтиришдан мақсад Ўзбекистон урушдан қандай жароҳатлар билан чиққанлиги билан боғлиқ ҳақиқатни халқимиз, аввало, ёшларимиз билсин, унутмасин ва келгуси авлодларга етказсин.

Бу — ўзбекнинг, ўзбекистонликнинг бировга бош эгмаслиги, ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмасликка тўла ҳаққи бор эканидан яна бир яққол далолатдир. Биз ўз қадримизни ўзимиз биламиз — кучимиз ва қудратимиз ҳам шунда, деб таъкидлади Ислоҳ Каримов.

Менинг тилагим, истагим шуки, фаровон яшашга интилиш билан бирга, Оллоҳнинг ўзи бизга инъом этган асл фазилатларимизни, миллий қадриятларимизни доимо эъзозлашимиз, бойитишимиз керак, деб уқтирди мамлакатимиз раҳбари. Халқимиз ўзлигини англаб боргани сари кишиларимиз онгида «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, нималар билан фахрланишимиз мумкин», деган тахлили ёндашув чуқурлашиб бориши зарур.

Қон-қонимизга сингиб кетган азалий қадриятларимиз — бағрикенглик, инсоф ва диёнат, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, андиша, меҳр-оқибат ва мурувват каби фазилатларимизни кўз қорачиғидек асрашимиз даркор.

Иккинчидан, бугун дунё, тараққиёт қайси йўлдан кетяпти, қандай қадриятларга таянмоқда — буларни назардан қочирмаслигимиз шарт. Бошқача айтганда, азалий анъаналаримизни мустаҳкамлаб, бойитиб, ривожлантириб борганимиз сари замон, жаҳон, тараққиёт танлаган қадриятларни ҳам ўзимиз учун уйғунлаштиришда давом этишимиз зарур.

Миллатимизга мансуб бундай олижаноб фазилатлар фарзандларимизга албатта ўтмоғи керак.

Мен шу муқаддас Хотира ва Қадрлаш кунинда кўпчилик юртдошларимизнинг хаёлидан ўтиб турган мана шундай фикр-мулоҳазалар бутун жамиятимизнинг диққат-этиборида бўлишини истардим, деб қайд этди Президентимиз.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган ўн биринчи сессиясида бобомиз Алишер Навоийнинг Афғонистондаги хоки поклари ва ўзбек халқининг бошқа буюк арбоблари қабрларини ободонлаштириш масаласини кўтарган эди.

— Навоийни севмоқ — ўзбекни севмоқдир, — деди Ислоҳ Каримов шу мавзуга яна тўхталиб. — Навоий бобомизнинг Хиротдаги хоки ва мўтабар зиёратгоҳини обод қилиш, буюк аждодимиз руҳини ёд этиш ҳар биримизнинг кўнгилимиздан жой олган эзгу орзу-истакдир. Бу интилишларимиз Афғонистонда йигирма йилдан узоқ давом этган уруш туфайли амалга ошмай келди. Миллатимиз, халқимизнинг буюк бобомиз олдидаги ҳалигача адо этилмаган қарзи виждонимизни қийнаётган эди.

Уруш тугаб, энди ана шу орзулар рўёбга чиқиши учун имкониятлар очилляпти. Бунда, албатта, Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати билан дипломатик музокаралар ҳам, жамоатчилик кенг қатламларининг фикри ва интилиши ҳам бирдек аҳамиятлидир. Фурсати келиб, биз, албатта, буюк аждодларимиз олдидаги ўзимизнинг бу муқаддас инсоний бурчимизни адо этамиз, деди Ислоҳ Каримов пировардида.

Мотамсаро она ҳайкали пойи гулларга бурканди. Майдондан юрт озодлиги ва равнақи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш умидида бўлган зиёратчиларнинг қадами кечгача узилмади.

Пойтахтимизда ва бутун мамлакатимиз бўйлаб Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашдан мақсад, аввало, халқимизнинг минг-минглаб фидойи фарзандлари руҳини ёд этиб, уйимиз тўрида, қалбимиз ардоғида яшаётган азиз ҳамда мўтабар отахону онахонларимизнинг ҳурмати жойига қўйишдан иборатдир.

Шу билан бирга, бу айём ёш авлод онги ва шурида ота-боболаримиз жасоратининг қадрига етиш, ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини, мустақиллик тафаккурини шакллантириш, Ватан ва халқ учун фахр-ифтихор ҳиссини уйғотиш йўлида хизмат қилаверади.

Фулом МИРЗО,
Анвар БОБОЕВ,
ЎзА шарҳловчилари

Спорт — мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг юксак эътибор қаратилаётган соҳа. Хусусан, ёшлар спортини ривожлантириш борасида юртимизда улкан имкониятлар яратилаётгани қувончли. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларидан иборат узвий тизим бугунги кунда ёшларимиз ҳаётига, айтиш мумкинки, тўла сингиб кетди. Президентимиз ташаббускорлигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилиши эса, алоҳида таҳсинга лойиқ иш бўлди. Айни пайтда республикамизнинг нафақат шаҳарларида, балки энг чекка қишлоқларида ҳам болалар спорт билан дўст тутинмоқдалар, уларга шундай шароитлар яратиб берилмоқда.

Албатта, ёшлар спортини соҳасида ҳукумат миқёсида бу даражада эътибор қаратилиши бежиз эмас. Бунда юксак мақсадлар мужассамдир. Бугун спорт билан шуғулланаётган болаларнинг барчаси, албатта, эртага спортчи бўлиб кетмайди, лекин улар соғлом, дуркун ўсдилар. Жисмоний соғломлик эса, маънавий соғломликнинг асосидир. Спорт билан мунтазам шуғулланадиган боланинг ҳар хил бекор-

ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»-ги 74-сонли қароридан келиб чиққан ҳолда Халқ таълими вазирлиги томонидан салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, барча вилоят халқ таълими бошқармаларида болалар спортини аниқ мақсад йўлида ривожлантириш, болаларда спортга меҳр уйғотиш, иқтидорли ёш спортчиларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш, спорт иншоотларидан оқилона фойдаланиш ҳамда замонавий талабларга мувофиқ спорт жиҳозлари билан таъминлаш, оммавий жисмоний тарбия — соғломлаштириш ва спорт тадбирларини мунтазам ташкил қилиш вазифалари амалга оширилиб келинмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаларида таълим муассасаларидаги жисмоний тарбия ва спорт моддий базасини тўлиқ хатловдан ўтказиш ҳамда лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг спорт базалари имкониятларидан ҳам самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича ҳамкорлик режалари ишлаб чиқилмоқда.

Болалар спортини ривожланти-

ладан, Давлат жисмоний тарбия ва спорт, Миллий олимпия кўмиталари, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошқарув кенгаши томонидан «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Ана шу асосида спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, ўтган давр мобайнида бир қанча ишлар бажарилди. Жумладан, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ғолиб бўлган жамоалар учун 710 та олтин, кумуш ва бронза медаллари, 2114 та сертификат ва дипломлар тайёрланди. Шу билан бирга ғолиблар учун енгил автомашина, шахсий компьютер, магнитофон, плейер, радиолар сингари кўплаб қимматбаҳо ва эсдалик совгалари ҳам ажратилди.

Финал босқичида қатнашиш учун спортчи ўқувчиларнинг бориш-келиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси билан ҳамкорликда поездлар жадвали ишлаб чиқилди.

«Умид ниҳоллари»нинг дастлабки босқич ўйинларида 5,4 млн.дан зиёд ўқувчи иштирок этди. Ҳозир-

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» МЕВА БЕРАЖАК

Рисбой ЖҮРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

чи иллатларга аралашиб қолишига ҳам вақти бўлмайди, ҳам фикран соғломлик уни бундай ноҳоиз йўлларга яқин йўлатмайди. Зеро, соғлом ўқувчида таълим-тарбия самардорлиги ҳам тез сезилади. Жисмонан ва маънан соғлом ўқувчиларга сабоқ бериш мароқлидир. Бундай ёшлар мустақил юртимизга муносиб фарзандлар бўлиб етишадилар.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш зарур бўлган муҳим бир жиҳат бор. Бу юртимизнинг тинчлиги, осмонимизнинг мусаффолиги, Ватанимиз ободлиги. Зеро, тинч юртга байрамлар ярашади, обод Ватанда болаларнинг шодон қийқириқлари янграйди. Биз айна пайтда ўтказаятган «Умид ниҳоллари» мусобақалари ҳам болажонларимизнинг обод юртимизга ярашган кўркам спорт байрамларидан биридир.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказишдан мақсад ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий саломатлигини шакллантириш, ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий анъаналаримиз, урф-одатларимизга муҳаббатларини ошириш, ўқувчи ёшлар ўртасида спортнинг олимпия ва миллий турларини янада оммалаштириш ва кенг тарғибот қилиш, ўқувчи ёшларга соғлом турмуш тарзини сингдириш ва соғлом авлодни вояга етказишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ПФ 3154-сонли Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини

риш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш юзасидан бир қанча амалий семинарлар ўтказилди. Ушбу семинарларда вилоят халқ таълими бошқарма бошлиқлари, туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари, улардаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича услубчилар, болалар ва ўсмирлар спорт мактаб директорлари, спорт фаоллари ҳамда вилоят ҳокимлигининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Мусобақа ғолибларини тақдирлаш учун I-II-III даражали дипломлар тайёрланиб, ғолиб жамоа ва иштирокчиларга ташкилий кўмита томонидан топширилди. Ғолиб бўлган жамоа ва иштирокчиларни эсдалик совгалари билан тақдирлашда номдор ҳамда фахрий спортчилар таклиф этилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаларида туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари, жисмоний тарбия услубчилари, спорт мактаблари директорлари ҳамда ҳакам ва мураббийлар, ҳомий ташкилот раҳбарлари иштирокида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўтказиш ва вилоят терма жамоаларини шакллантириш мақсадида, ҳар бир спорт тури бўйича ташаббускор гуруҳ тузилди.

Ташаббускор гуруҳ аъзолари ҳар бир ҳудудий босқичларда иштирок этишиб, қобилиятли спортчиларни аниқлаш ва вилоят финал босқичида иштирок этаётган жамоалардан вилоят терма жамоаларини шакллантириши ҳамда Республика финал босқичида фаол қатнашиши учун чора-тадбирлар белгилаб олдилар.

2002 йилнинг июль ойида республикамиздаги бир қатор мутасадди идора ва ташкилотлар, жум-

га кунда республикамизнинг барча вилоятларида мусобақаларнинг вилоят босқичлари ниҳоясига етди. Мазкур босқичда сараланган спортчи йигит-қизлар финал босқичида иштирок этиш имконига эга бўлдилар. Ушбу босқичда вилоятлардан жами 2114 нафарга яқин спортчи, мураббий ва ҳакамлар мусобақаларда қатнашади. Бу Фарғона вилоятида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари қатнашчиларидан 126 нафарга кўп демақдир. Шунингдек, жорий йилда ўтказилаётган мусобақаларга қўшимча спорт турлари ҳам киритилган (бадий гимнастика) бўлиб, умумий 12 та спорт тури бўйича беллашувлар бўлади.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг машъаласини ёқиш маросими бу гал ҳам Паркент тумани Чотқол тоғ тизмаси бағрида жойлашган «Физика-Кўёш» илмий-ишлаб чиқариш марказида бошланади. Айни пайтда ушбу байрам доирасида Хоразм вилоятида катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Шундай қилиб, Хоразм вилояти аҳли «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини ўзига хос соғлом авлод байрами сифатида нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўрмоқда. Мамлакатимизнинг умумий ўрта таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи ёшларнинг бирдамлиги, ҳамжиҳатлиги рамзи бўлган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари иродали, журъатсизликдан холи, ўз кучига ишониб яшайдиган ёшлар тўлқинини тарбиялашига ишонаман.

«Умид ниҳоллари» мусобақаларининг барча иштирокчиларига муваффақиятлар тилаб қоламан.

Бугунги кунда ўзбек ёшлари мамлакатимиздагина эмас, жаҳоннинг турли бурчақларида Ўзбекистонимизнинг, халқимизнинг номини кенг таратишда илгарилар кетдилар. Асосан, иқтисодиёт, тиббиёт, ҳуқуқшунослик соҳаларидаги билимли ёшларимиз чет элларга бориб, халқимизнинг ишончини оқламоқда, қайтиб келгач эса жамиятимизнинг турли жабҳаларида эл-юрт равнақиға ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Булардан ташқари спорт соҳасидаги уларнинг эришаётган ютуқларини айтмасак ҳам бутун халқимиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибди. Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Ирода Тўлаганова, Рустам Қосимжонов, Нурхон Нафасов каби таъбир жоиз бўлса, замонамизнинг қаҳрамонлари билан миллатимиз ҳар қанча фахрланса арзийди.

Уларнинг бундай олимпиада, ан-



зов, Қўнғирот туманидаги 1-маҳсуллаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Б. Курбановлар ўқувчиларининг эришган ютуқларидан хурсанд бўлишиб, мамлакат миқёсидаги беллашувларда ҳам голиб чиқишлари учун бор кучгайратларини ишга солишларини билдирдилар. Эндиликда 3-босқичда голиб чиққан спортчи-ёшларимиз мамлакат миқёсида тантанали тарзда бўлиб ўтадиган «Умид ниҳоллари—2003» спорт мусобақаларига бориш учун тайёрланмоқдалар. Шу билан бирга мазкур беллашувларнинг ён қўшимиз бўлган Хоразм вилоятида бўлиб ўтиши ҳам бизга масъулият юклайди. Республикаимиз шаънини ҳимоя қилувчи вакиллариимизнинг тайёргарлик даражаларини мукамаллаштириш, сафар чоғида, ётоқхоналарда, мусобақа жараёнида тартиб-интизомни тўғри йўлга қўйиш каби ташкилий масалаларга

«ОСМОН ТАГИДАГИ ОЧИҚ МУЗЕЙ»НИ ҚўРАМАЖ

Мен болалгимданоқ спортга қизиққанман. Шунинг учун булса керак, тирчиллаб, бир жойда турмасдим, баъзан йиқилиб, қўл ёки оёғим лат еб юрардим. Натижада уйимиздагилардан даққи эшитиб олардим. Бу «шумтакалик»ларнинг натижаси ўлароқ, спортга ишқибоз

мусобақаларга астойдил тайёргарлик кўряпман. Насиб қилса, олтин медални қўлга киритиб имтиёзли ўқишга қабул қилинсам деган орзуим бор. Шу билан бирга кўҳна Хоразмнинг «осмон тагидаги очиқ музей» деб ном олган Хива шаҳрини, унинг тарихий обидаларию ми-

ЁШЛАР — БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗ

жуманларга, мусобақаларга бориб келаётганини, юртимизнинг қандай ўлка эканлигини бошқа миллат кишиларига яна бир бор кўрсатиб келаётганини кўрган укалари— мактаб партасида ўтирган болакайлар ҳам акалари-опаларининг ютуқлари, уларга ҳамма ҳавас қилаётганини кўриб худди шундай бўлишга интилади, орзу қилади. Холис ният дил тубида пайдо бўлгач эса, қалб эзгуликларга тўлиб, инсонни фаол ҳаракат қилишга, чуқур билим эгаллашга ундайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар келажак авлодни жасур, мустақил фикрли, ватанпарвар қилиб тарбиялашга йўналтирилмоқда. Бундай хислатларни эса жисмоний мукамал ривожланган болаларгина ўзида намойиш қила оладилар. Бугун ёшларимиз Алпомиш, Пахлавон Маҳмуд, Барчиной, Тумарис, Асқар Полвон каби буюк аждодларимизнинг ҳаётларидан, кўрсатган жасоратларидан ибрат олган ҳолда комиллик ва саломатлик гарови бўлиши спорт соҳасида ўзларининг бор маҳорат-

ларини кўрсатмоқдалар. Ўсиб келаётган авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик, очиб берилаётган имконият эшикларидан бизнинг Қорақалпоғистон ёшлари ҳам бебаҳра эмас, аксинча бизнинг ўқувчиларимизга ҳар доим ҳам алоҳида эътибор, ёрдам кўрсатилади. Умумтаълим мактаб ўқувчиларини ўзига жалб этган «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг 3-босқичида республикадаги 15 та туман ва иккита шаҳар ўртасида ўтказилган беллашувларда 3162 нафар спорт ишқибозлари иштирок этишиб, улар ўртасида умумий ҳисобда Нукус шаҳри ўқувчилари илдамлик қилдилар. Улар футбол, қўл тўпи, баскетбол, катта теннис, миллий кураш, бадий гимнастика турларида биринчиликини қўлдан бермадилар. Шунингдек, Амударё, Нукус, Қўнғирот, Қораўзак, Беруний, Тахтақўпир туманлари спорт ишқибозлари ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Мусобақаларда ўз туманларидан вакил сифатида келган ўқувчиларининг муваффақият қозонишларида астойдил куюниб, жонбозлик кўрсатган устозлардан А. Худойбергенов, С. Сапарниё-

ҳам мураббийлар томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг муносиб ўйин кўрсатишлари мақсадида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг якуний босқичида иштирок қилувчи ўқувчиларга спорт кийимларини сотиб олиш мақсадида 4865000 сўм маблағ ажратилди. Бугунги кунда IV босқичда иштирок этадиган 151 нафар ўқувчи, 18 нафар мураббий ва 17 нафар ҳакамларнинг рўйхатлари, керакли хужжатлари тахт қилиб қўйилди. Уйлайманки, қорақалпоғистонлик ўқувчилар ўз қардошларидан қолишмаган ҳолда чиройли ўйинлар кўрсатишадилар, уларга кўз тикиб ўтирган устозларини ота-оналарини уялтириб қўйишмайди. Бундай шиддатли ўйинлар олдидан эса, уларга омад ёр бўлсин, деб тилак билдираман.

Ғафур КАЛМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон
Республикаси
халқ таълими вазири



бўлиб улғайдим. Ўтган йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида қатнашиб, Фарғона шаҳрига борган эдим. Мусобақа биз ўқувчилар кучига кўшиши билан бирга зиммамизга улкан масъулият ҳам юклайди. Барча голиблик учун интилади. Мен ҳам спортнинг миллий кураш тури буйича қатнашиб, 77 кг. вазн тоифасида 3-ўрин соҳиби бўлдим.

Бу йил битирувчи синф ўқувчиси бўлганим учун

нораларини, Урганч шаҳрида қад ростлаган Жаллолидин Мангуберди ҳайкали, «Авесто» китобининг 2700 йиллик тантаналарига бағишлаб барпо қилинган ёдгорлик мажмуини кўришни дилимга тугиб қўйган эдим. Мана шу эзгу мақсадимга «Умид ниҳоллари—2003»га қатнашиш жараёнида эришаман, деган умиддаман.

Сали САРИБАЕВ,
Нукус шаҳридаги
20-мактабнинг
11-синф ўқувчиси



— **Қуаниш, биламизки сиз ўтган йили апрел ойида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари—2002» спорт беллашувларида белбоғли кураш тури буйича ўз вазингиз буйича 3-ўринни**

эгаллагансиз. Бугунги кунда собиқ иштирокчи нималар билан машғул?

— «Умид ниҳоллари—2002» ҳақида сўраганингиздан қалбимни ёрқин хотиралар эгаллаб олди. Бутун жамоатчиликини ўзига ром этган мазкур спорт мусобақаларида терма жамоамиздан фақатгина «курашчилар» гуруҳи юқори кўрсаткичга эришган эдилар. Шундай бўлишига қарамасдан барча иштирокчиларнинг руҳияти баланд, ўзлари мамнун эдилар. Икки минг нафардан зиёд ўқувчиларни ўз бағрига олган Фарғона шаҳридаги мусобақалардан жуда катта таассуротлар билан қайтганман. Айниқса, ётоқхоналарда иштирокчиларнинг дам олишлари учун уюштирилган қизиқарли маданий тадбирлар, ўша кунларда таваллуд топган ўқувчиларнинг туғилган кунларининг нишонланиши каби воқеалар

ҳаётимнинг унитилмас кунлари бўлиб қолди. Мазкур мусобақаларда қатнашиб қайтгач, олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топширдим ва Нукус давлат педагогика институтининг 1-курс талабаси бўлиш бахтига муяссар бўлдим.

— **Демак, бу ҳам ижобий маънода «Умид ниҳоллари—2002»нинг сиз учун омадли бўлганлигидан далолат берар**

ЭНДИ «УНИВЕРСИАДА»ДА ҚАТНАШАМАН

Ўтган йили Фарғона шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт беллашувларининг белбоғли кураш тури буйича Қорақалпоғистондан Қуаниш Сейдаметов 71 кг. вазн тоифаси буйича республикада 3-ўринни эгаллади. Қуйида мусобақанинг собиқ иштирокчиси Қ. Сейдаметов билан бўлган суҳбатимизнинг гувоҳи бўласиз.

экан-да?

— Шундай десам ҳам бўлади. Афсуски, мен мактабни битириш арафасида турганимда беллашувларга қатнашдим. Шундай бўлса ҳам «Умид ниҳоллари»нинг илк қалдирғочлари бўлганимдан фахрланаман. Жонажон Ўзбекистонимизда спорт ишқибозлари бўлган ёшлар учун узлуксиз бўғин шаклланди. «Умид ниҳоллари»да қатнаша

олмаслигимдан ҳечам хафа бўлмайман, чунки энди олий ўқув юртлари талабаларининг «Универсиада»сида иштирок этаман. «Умид ниҳоллари—2002» бу борада менга мактаб вазифасини ўтади. Агар иложи бўлганида, шундай руҳсат берилганида эди, ҳозир ҳам мазкур беллашувларга чин дилдан қатнашган бўлар эдим.

ликларимизга ҳам чуқур эътибор бериб, уларни такрорламасликка ҳаракат қилсинлар. Бу ерга ҳам зўрларнинг зўри, кучлиларнинг кучлиси тўпланганини унутмагани ҳолда ҳар куни, ҳар дақиқада эл-юрти шарафини, таълим берган, соҳа сирларини ўргатган мураббийлари, ота-онасию барча яқинларини кўз олдига келтириб, кейингина майдонга «бисмилло» деб қадам қўйсинлар. Бор кучини ишга солиб, ўзини албатта голибликни қўлга киритаман, деб ишонтирсинлар. Шундагина кўзлаган мақсадларига эриша олишлари мумкин.

— **Самимий суҳбатингиз учун сизга ташаккур билдираман. Кейинги йили бўлиб ўтадиган «Универсиада» мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиш насиб қилсин.**

Назокат ХОЛМЕТОВА
суҳбатлашди



МАҚСАД — ЯНАДА ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧГА ЭРИШИШ


Хукуматимиз томонидан спортга алоҳида эътибор берилаётган бугунги кунда кўрсатилаётган гамхўрликларга жавоб тариқасида ёшларимиз ҳам катта-катта мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Чунки, бугун ҳаётга тўлиқ жорий этилган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларидан иборат яхлит, ягона тизим ўз самарасини бера бошлади. Қамров доираси жиҳатидан энг катта бўлган «Умид ниҳоллари» ҳар йили ўтказилаётган бўлса, тоқ йиллари «Баркамол авлод», жуфт йиллари эса «Универсиада» мусобақаларини ўтказиш анъана тусини олди. Бундай тизимни амалиётга қўллашдан асосий мақсад

ги спорт имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Ўтган йили Фарғонада ўтказилган мактаб ўқувчиларининг биринчи «Умид ниҳоллари» мусобақалари кескин ва мурасасиз баҳсларга бой бўлган эди. Айниқса, ўша кунлари Фарғона шаҳри катта бир байрамни нишонлаётган кўринишга кирганди. Бу йил эса худди шундай спорт байрами кўҳна ва навқирон Хоразмда ўтказилмоқда. Бугун «Умид ниҳоллари»нинг Республика финал босқичига барча вилоятлар ўзларининг энг чаққон, энг абжир ўқувчилари билан бормоқдалар.

Жумладан, Андижон вилояти ҳам ушбу финал мусобақаларига ўзининг энг маҳоратли спортчи ўқувчиларини юбормоқда. Мақсад бу йил ўтган

«Умид ниҳоллари — 2002»да стол тенниси бўйича иккита олтин медал соҳиби бўлган бу йигитча Швециянинг Карлсбург шаҳрида ўтказилган Бутунжаҳон ёшлар фестивалининг олтин медали нишондори саналади. Шунингдек, у ўтган йили Россия пойтахти Москва шаҳрида ташкил этилган жаҳон ёшлари ўйинларининг иштирокчиси ҳам. Темур «Ямбол» спорт мажмуасида тинимсиз ўз устида ишлади ва бугун катта мусобақага тайёр. Унинг нияти — вилоят шарафини ўтган йилгидан-да яхшироқ ҳимоя қилиш. 2002 йилги мусобақаларда эса андижонлик спортчи-ўқувчилар спортнинг 11 та тури бўйича иштирок этиб, умумжамоа ҳисобида 5-ўринни эгаллаган эдилар. Ўсмирлар ўртасидаги баскетбол беллашувларида иккинчи ўринни банд этган андижонликларнинг қизлар жамоаси ҳам худди шу спорт тури бўйича 3-ўринни қўлга киритишганди. Шунингдек, улар волейбол (ўсмирлар ва қизлар), қўл тўпи (ўсмирлар), стол тенниси бўйича тўртинчи ўринга муносиб кўрилган бўлсалар, теннис, белбоғли кураш, сузиш мусобақаларида бешинчи ўринда бўлган эдилар. Бу галги мусобақаларда бу кўрсаткичлар янада юқорироқ бўлишига умид қиламиз. Шу мақсадда вилоятнинг 12 та тур бўйича терма жамоалари тайёргарликни кўнгилдагидек ўтадилар. Хусусан, Андижон шаҳридаги «Наврўз», «Ёшлик» ўйингоҳлари, «Ямбол» спорт мажмуаси, Тиббиёт олийгоҳи ҳамда вилоят спорт мактаби базаларида терма жамоани шакллантириш ишлари олиб борилди.

Ўқтам ОХУНОВ,
Андижон вилояти
ХТБ бошлиғи



Ирина Мороз 1987 йил Андижон шаҳрида туғилган. Ҳозирда 1-гимназия мактабининг 10-синф ўқувчиси. Ўтган йилги «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг энгил атлетика бўйича (1,5 км. масофага югуриш) чемпиони.

—Ирина, одатда қизлар кўпроқ тикувчи, ўқитувчи ёки ҳамшира бўлишга қизиқадилар. Сиз бўлса, спортни танлаган

билан қарай бошлади. Аммо, бу бахтнинг ҳам узига яраша масъулияти бор экан. Негаки, аввал юқори кўрсаткичга эришган спортчи келгусида ундан-да яхшироқ ютуқни қўлга киритишга уринади. Ҳеч бўлмаганда, уша кўрсаткичнинг сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Боиси, юқори кўрсаткичдан пастлаб кетиш, унинг омма эътиборидан четга чиқишига сабабчи бўлади.

—Хоразмга бориб келингандан сўнг, Андижонда «Умид ниҳоллари»га ўхшаш касб-ҳунар коллежларининг «Баркамол авлод» мусобақалари бўлиб ўтди. Бу ҳақда қандай фикрдасиз?

—«Баркамол авлод» ўйинларининг бизнинг вилоятимизда утказилиши қувонарли ҳол, албатта. Хоразмдан келгач, «Баркамол авлод» ўйинларининг энгил атлетика бўйича беллашувларини бошидан охиригача кузатмоқчиман. Чунки, спортнинг бу тури билан шу-

**ОЛТИН
МЕДАЛНИНГ
МАСЪУЛИЯТИ БОР**

экансиз. Устига-устак, энгил атлетикани. Демокчи бўлганим, югуриш билан шуғулланиш оғир эмасми?

—Тўғри, сал қийинроқ. Лекин, узим шуни хоҳлайман. Ҳар кун эрталаб мактабимиз стадионига чиқиб шуғулланаман. Узоқ масофага югурганда спортчи бор кучини ишга солади ва тез ҳаракат қилишга интилади. Чунки, бундай мусобақада футбол, волейболдаги сингари очколар эмас, вақт ҳисобга олинади.

—«Умид ниҳоллари»дан ташқари яна қандай мусобақаларда қатнашгансиз?

—2002 йили Москвада утказилган усмирлар ўртасидаги халқаро мусобақада, 2002 йилнинг март ойида Ирландияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида ва 2002 йилнинг 8-9 март кунлари пойтахтимиз Тошкентда ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари ёшларининг мусобақасида иштирок этдим. Гарчи, уларда биринчи уринларни эгаллаб олмаган бўлсамда, лекин кумуш медалларни қўлга киритганман. Олтин медални эса фақат «Умид ниҳоллари»да олдим.

—Эндигина мактабнинг 10-синфида ўқиётган қизнинг олтин медал олиши унинг катта ютуғи бўлса керак.

—Ҳа, албатта. Лекин, тўғрисини айтиш лозим, олтин медал олишимни ҳеч кутмаган эдим. Фарғонадан уйга қайтганимдан сўнг, оиламиздагилар, мактабдагилар барча-барчаси хурсанд булишди. Ҳатто, синфдошларим менга ҳавас

гулланувчи ака-опаларимдан узим билмаган қирраларни ушлаштириб оламан. Уларнинг ҳар бир ҳаракатларидан узимга хулоса чиқараман. Негаки, уларнинг тажрибалари, маҳоратлари меникидан кучлироқ.

—2004 йили мактабни тамомлар экансиз. Келгусида қаерга ишга ёки ўқишга киришни режалаштирмоқдасиз?

—Ниятим, мактабни тугатганимдан сўнг, Андижон Давлат университетига ўқишга кириш. Уз навбатиде у ерда ҳам спорт билан мунтазам шуғулланишимга имкон бор. Яъни, «Универсиада» мусобақалари таркибида ҳам спортнинг энгил атлетика тури борлиги мен учун яхши. Уйлайманки, «Универсиада» спорт ўйинларининг Республика финал босқичида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилувчи терма жамоа сафидан урин оламан.

Ҳа, узлуксиз спорт тизими саналган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари ёшларнинг спортга булган қизиқишларини бир зум ҳам сундирмайди. Бугун «Умид ниҳоллари»да қатнашган ўқувчи эртага «Баркамол авлод» да, сўнгра «Универсиада» мусобақаларида иштирок этади. Бу давр орасида эса спорт унинг одатий машғулотига айланиб улгурди. Унинг кундалик турмуш тарзидан урин олади.

Камолиддин АЛИОХУНОВ
суҳбатлашди.



ҳам ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ҳар бир вилоят ва шаҳарларнинг, туман ҳамда қишлоқларнинг спорт базасини мустаҳкамлашдир. 2002 йилнинг октябрь ойида республика Президенти Фармони билан ташкил этилган «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» ҳам ҳудудларда-

йилгидан кўра юқори кўрсаткичга эришиш. Жумладан, терма жамоа аъзоси, ҳозирда Андижон шаҳридаги 2-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси бўлган Темур Шириевнинг Хоразмдан катта ғалабалар билан қайтиши кутилмоқда. Чунки, спортчи ҳам ниҳол каби йилдан-йилга шаклланиб боргани сари, кўрсаткичлар ҳам юқорилаб боради.

ЮТУҚЛАР СПОРТ БАЗАСИГА ҲАМ БОҒЛИҚ

Андижон вилояти нафақат халқ ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида ютуқларга эришмоқда балки, унинг спортдаги муваффақиятлари ҳам талайгина. Биргина Андижон бокс мактаби бугун анчагина нуфузга эришди. Бу мактаб вакиллари саналмиш жаҳон чемпионати ва Олимпиада ўйинлари совриндорлари Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев, Қувончбек Тайғонбоевлар номларини спорт мухлислари яхши билдилар. Шунингдек, вилоятнинг ўнлаб спортчилари Ўзбекистон терма жамоаси таркибида дунёнинг турли минтақаларида ўтказилаётган жаҳон чемпионатлари, халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, катта ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Бундай муваффақиятларга эришишда вилоятнинг спорт базаси ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугун вилоятда 26 та ўйингоҳ, 83 та теннис корти, 538 та спорт зали, 420 та тир, 34 та сузиш ҳавзаси, 1216 та волейбол, 751 та баскетбол, 368 та қўл тўпи, 635 футбол майдонлари, 36 та энгил атлетика ядролари мавжуд. Шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган, 1570 томошабинга мўлжалланган «Андижон» теннис корти ҳам вилоят аҳли ихтиёрига бериб қўйилган. Июнь ойида Андижонда бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» ўйинлари туфайли яна икки янги объект, Олимпия заҳиралари спорт коллежи ва Хонобод шаҳри марказий ўйингоҳи ҳам ҳозирда ушбу спорт иншоотлари сафига қўшилмоқда. Шунингдек, вилоятнинг бош ўйингоҳи саналган «Наврўз» мажмуаси «Баркамол авлод» иштирокчиларини кутуб олишга шай турибди. Зеро, бу мажмуа ҳақида гапирганда, вилоятнинг Муста-

қиллик, Наврўз каби катта-катта тантаналари шу ерда ўтказилишини айтиш лозим. Жумладан, бу йилги Наврўз байрами шодийоналари нишонланганидан сўнг, «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари вилоят босқичининг ёпилиш маросими ҳам ушбу ўйингоҳда ўтказилди. 24-30 март кунлари бўлиб ўтган III босқич беллашувларида жами 2869 нафар ўқувчи иштирок этди. Ва умумжамоа ҳисобида Андижон шаҳри вакиллари биринчи, Кўрғонтепа тумани ўқувчилари иккинчи, шаҳрихонликлар эса учинчи ўринни эгалладилар. Фолиблар-



га I, II, III даражали дипломлар, вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси ва ҳомийларнинг қимматбаҳо мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Р.ҲАМРОЕВ,
Андижон вилояти «Ёшлик» КСЖ раиси
ўринбосари

Жисмоний жиҳатдан чиниқан, бақувват болаларни ўстирмай туриб, ҳар томонлама етук, маънавий баркамол авлодни вояга етказиб бўлмайди. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур", соғлом фар-

мусобақаларининг ўтказилиши айнан шу мақсадга хизмат қилади.

Жорий йилнинг 23-31-март кунлари мазкур мусобақанинг 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги вилоят саралаш, финал босқичи бўлиб ўтди. 12 та спорт тури бўйича белла-

шгалашга муяссар бўлишди. Бир сўз билан айтганда, мазкур тадбирнинг вилоят босқичида ҳар бир тур бўйича 1-ўринни қўлга киритган ёш спортчилардан таркиб топган вилоятимиз терма жамоаси сараланди. Эндиги навбат Хоразмда

ТЕРМА ЖАМОА САРАЛАНДИ

зандларни тарбиялашда эса спортнинг ўрни бекиёс. Шу маънода мамлакатимизда ёш авлодни камол топишига йўналтири оладиган самарали жисмоний тарбия ва спорт тизими шаклланди. Республикаимизда икки йилдирки, мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт

шувлар вилоят марказидаги замонавий спорт анжуманлари эга базаларда ташкил этилди. Мусобақалар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида голиблик Бухоро шаҳри ёш спортчиларига насиб этди. 2- ва 3-ўринларни эса Гиждувон ҳамда Шофиркон туманлари жамоалари


ўтиши режалаштирилган якуний — республика босқичига ҳозирлик кўриш ҳамда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишдан иборат.

З.НАВРҲУЗОВА,
Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари

"УМИД НИҲОЛЛАРИ" — САБОҚЛАР МАЙДОНИ

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари — ҳали мактабда таҳсил олаётган давридаёқ катта спорт майдонларида ўз келажақ ютуқларини ҳаёлан тасаввур қилишга чоғланган ёшларнинг илк сабоқлар оладиган майдони. Мен ҳам Фарғона шаҳрида ўтказилган "Умид ниҳоллари — 2002" спорт мусобақаларида ўша мохир мураббийдан дастлабки сабоқларни олдим. Ўшанда беллашувларнинг энгил атлетика тури бўйича ўз кучимни синаб кўриб, 1,5 ҳамда 3 км. га югуриш мусобақаларида маррани биринчи кесиб ўтдим ва олтин медални қўлга киритдим. Албатта, муваффақиятга эришиш осон кечмади. Бироқ сабртоқат билан аввалги босқичларга қадар кўрган тайёргарликларим қўл келди.

Ҳозирда орзуларим улкан. Истагим, юртимизда ташкил этилган узлуксиз



спорт тизимининг кейинги бўғинлари ҳисобланган "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларида ҳам қатнашиш. Ушбу хоҳиш ўтган йили вилоятимизда ўтказилган талаба ёшлар ўртасидаги "Универсиада" мусобақаларини томоша қилиш жараёнида янада ортди. Очигини айтсам, ҳар бир спорт тури бўйича ўтказилган мурасиз беллашувларни кузатиб завқланиш билан бирга бироз бўлса-да, ҳаяжонландим. Негаки, барча баҳслардаги каби ҳамма иштирокчи голибликка интилади. Талабалар орасида эса Республика, жаҳоннинг нуфузли спорт майдонларида ҳам голиблик шохсупасини эгаллаган спортчилар кўп.

АМИР ГАРИФУЛИН,
Ф.Хўжаев туманидаги 26-мактаб ўқувчиси

Мана икки йилдирки, мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва шу асосда 2002 йил 31 ок-

Якуний — саралаш босқичида 1, 2, 3-ўринни эгаллаган голибларга махсус дипломлар ва эсдалик совғалари топширилди. Мусобақаларда вилоятнинг 2000 нафардан ортиқ ўқувчилари иштирок этишди. Таъкидлаш лозимки, ушбу мусобақаларда Бухоро ва Когон шаҳри,

лотларини ўтказиш режалаштирилди. Узоқ туманлардан келиб ўқув спорт машғулотларига қатнашадиган ўқувчиларнинг "Олимпия резервлари" спорт мактаб-интернатида овқатланиши ва яшаши учун шароитлар яратилди. Эътиборлиси, мусобақаларнинг Республика босқичи-

МАСЪУЛИЯТ ЮКЛОВЧИ МУСОБАҚАЛАР

Тугриси, мамлакат чемпионатларида, халқаро мусобақаларда куп мартабалаб қатнашган булса-да, Республикаимиз мактаб ўқувчилари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари уз оммавийлиги, жозибаси, қолаверса, аҳамияти билан ажралиб туради. Назаримда, у иштирокчилар олдида ғалабага интилиш билан бир қаторда халқимиз, юртимиз ишончини оқлаш каби улкан масъулиятни ҳам қўяди. Бундан ташқари юртимизнинг гузал шаҳарлари билан танишишга, янги-янги дустлар орттиришга ҳам йўл очади.

Таъкидлаш лозимки, бугунги ғалабаларимиз замирида ҳукуматимиз томонидан биз ёшларга яратилаётган имкониятлар билан бир қаторда ота-



онамиз кумаги, курсатган йўл-йуриқлари муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Фотима ва Зухра бўлиб эгиз дунёга келганимиз ҳам эҳтимол, айни стол тенниси баҳсларида голиб бўлишимизда қўл келар. Чунки бизда стол тенниси тахтаси олдида рақиб ахтариб зерикиб утиришга вақт йўқ. Биз

ҳамиша биргамиз ва ҳеч бир соҳада бир-биримиздан ортда қолмасликка ҳаракат қиламиз. Бу эса ютуқларимизнинг ҳам қушалоқ бўлишини таъминлайди.

ФОТИМА ВА ЗУХРА ҚОСИМОВАЛАР,
Бухоро шаҳридаги 18-мактабнинг 11-синф ўқувчилари

ЎҚУВЧИЛАР ЮТУҒИ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Фарғонада ўтган йили бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" ўқувчи-ёшлар спорт мусобақаларининг республика босқичида Бухоро вилоятдан спортнинг 11 тури бўйича 139 нафар ёш спортчи қатнашди. Енгил атлетика бўйича қатнашган Амирбек Гарифулин (Бухоро шаҳридаги 26-мактаб, 10-синф) 400-1000 метр масофаларга югуриш бўйича энг юқори натижа кўрсатиб, 2 та олтин медални қўлга киритди. Стол тенниси бўйича жуптлик тарзида ўйин кўрсатган Бухоро шаҳридаги 18-

мактаб ўқувчилари Зухро Қосимова ва Нафиса Каримова ҳам тенгдошларини доғда қолдириб, олтин медал билан тақдирландилар. Миллий кураш бўйича ўтган беллашувларда Алишер Курязов (Олот туманидаги 28-мактаб)нинг қўли баланд келиб, олтин медал олишга муяссар бўлди. 50-71 килограмм вазн тоифаларида жамоа таркибидаги икки ёш полван Азизбек Ҳамидов (Жондор, 11-мактаб) ва Дилшод Субхондов (Қоракўл тумани) мусобақанинг кумуш ва бронза медалига муносиб топилдилар.

ИҚТИДОРЛИЛАР КАШФ ЭТИЛАДИГАН МАСКАН

Бухоро шаҳридаги 3-хтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар "Олимпия ўринбосарлари" футбол мактаби 37 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Собиқ "Пахтакор-79" жамоасида қатор йиллар тўп суриб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган бухоролик Владимир Собиров ва Равил Ашиевлар ҳам футбол бўйича дастлабки сабоқларни шу даргоҳда олишганлиги фахрлидир.

Муствақиллик йилларида мазкур спорт мактаби ўзининг замонавий биносига эга бўлди. Бундан ташқари, 120 x 85, 110 x 65, 80 x 80 метр ўлчамдаги ўйингоҳлар жиҳозланди. Ҳозирда футбол мактабида 96 нафар 8-9 ёшли болалар 6 та гуруҳда, 252 нафар ёшлар ўқув-машқ қилиш гуруҳларида, 14 нафар иккинчи табақа жамоаларида ўйнаб келаётган футболчилар битта спорт маҳоратини ошириш гуруҳида шугулланишади.

Кейинги икки йилда мазкур даргоҳда шугулланганлардан 30 нафари бугунда "Пахтакор", "Бухоро", "Металлург", "Андижон", "Бухоро-2" ва "Вардонзе" каби мамлакат олий, биринчи ва иккинчи лига жамоаларида тўп сурмоқдалар.

Футбол мактабининг собиқ ва ҳозирги тарбияланувчиларидан Элдор Мағдиев, Шавкат Саломов ҳамда Руслан Мирзаевлар ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати мусобақаларида Ўзбекистон терма жамоаси таркибида тўп суриб, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Ҳозирда футбол мактабининг барча мураббийлари шаҳардаги маҳаллаларга бикитилган бўлиб, улар маҳаллада болалар ўртасида футбол мусобақаларини ташкил этиш орқали иқтидорлиларни саралаш ва футбол мактабига жалб этиш билан шугулланишади.

Мураббий Сулаймон Раҳматов ташаббуси билан шаҳардаги 10-, 16-, 8- маҳаллалар ҳамкорлигида вилоят марказидаги маданият ва истироҳат боғида футбол, волейбол ва баскетбол ўйинларига мослаштирилган майдонларни ташкил этиш ниҳоясига етказилмоқда.

Бунда Бухоро шаҳрининг Ф.Хўжаев номидаги туман ҳокимлиги бераётган кўмак эътиборга лойиқдир.

ТАЙЁРГАРЛИК ОМАД КЕЛТИРАДИ

тябрда қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 374-сонли ва вилоят ҳокимининг 2002 йил 9 ноябридаги 102-сонли қарори болалар спортини ривожлантиришнинг умумхалқ ҳаракатига айланишига замин яратмоқда.

2002 йил Фарғонада бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларида бухоролик ўқувчилар 7 та диплом билан қайтишди.

Жорий ўқув йилида ҳам вилоятда ўтказилган "Умид ниҳоллари — 2003" спорт мусобақаларининг дастлабки босқичлари байрамона тус олди.

Вобкент, Гиждувон, Пешку, Шофиркон, Бухоро туманлари ўқувчилари фаол иштирок этиб, республика босқич беллашувларида иштирок этиш шарафига муяссар бўлишди.

Терма жамоаларни шакллантириш мақсадида голиб ўқувчилар билан тайёргарликлар давомида саралаш мусобақалари ҳам ўтказилмоқда.

Вилоят голиби бўлган ўқувчилар билан жорий йилнинг 25 апрель ва 5 май кунлари Бухоро шаҳрининг замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланган базаларида ўқув спорт машғу-

да қатнашадиган ўқувчилар ҳар бир тур бўйича мутахассисликка эга бўлган тажрибали мураббийлар ёрдамида тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Бундан ташқари, сузиш бўйича вилоят терма жамоаси Навоий шаҳрининг сузиш бассейнида навоийлик спортчилар билан мусобақа тарзида ўқув машғулотларини олиб бориш учун хизмат сафарига юборилган бўлса, стол тенниси ва катта теннис бўйича ўқув машғулоти Тошкент ва Фарғона шаҳарларида ўтказилаётганлиги эртанги ютуқларга омил бўлиши, шубҳасиз.

МАҚСАДИМИЗ – МЕДАЛЛАР СОНИНИ КЎПАЙТИРИШ

Умумий ўрта таълим мактабларида таълим олаётган ўқувчи ёшларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш, соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, жисмонан чиништириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, оммавий ҳаракатли миллий спорт турларини янада ривожлантириш спорт мусобақалари мезонлари сирасига киради. Бу жиҳат Халқ таълими вазирлиги буйруқлари, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг қарорлари муқаддимасида ҳам қайд қилинган. Жиззах вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли мавжуд ўн учта туман (шаҳар)даги барча умумтаълим мактаб ўқувчилари ўз олдларига 2002-2003 ўқув йилида уч босқичдан иборат ўтадиган мусобақаларга спортнинг ўн иккита тури бўйича ўқув йилининг сентябр ойидан бошлаб пухта ҳозирлик кўра бошладилар.

Вилоятдаги Жиззах шаҳри, Жиззах, Бахмал, Зарбдор, Пахта-

спортчилари фаол иштирок этиб, мусобақаларда совринли ўринларни эгалладилар ва вилоят халқ таълими бошқармасининг "Фахрий ёрлик"лари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Мактабларнинг 8-11-синф ўқувчилари ўртасидаги спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган мусобақаларда биринчи босқичда 61432 нафар, иккинчи босқичда эса 24979 нафар ўқувчи иштирок этишди. Ўқув йилининг баҳорги таътил давомида 8-11-синф ўқувчилари ўртасида вилоят мусобақалари ўтказилди. Бунда жами 9854 нафар ўқувчи ёшлар мусобақаларда иштирок этишди ва спортнинг 12 тури бўйича баҳслашдилар. Бу борада Жиззах шаҳри, Жиззах, Дўстлик, Зарбдор, Бахмал, Зомин, Мирзачўл туманлари жамоалари фаол иштирок этдилар. Ҳалиб жамоалар вилоят халқ таълими бошқармасининг "Фахрий ёрлик"лари ҳамда қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Умумий жамоа ҳисобида ўтказилган мусобақалар бўйича

Ўтган йили Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида Дўстлик туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Олимжон Равшанов миллий кураш бўйича олтин медал соҳиби бўлди. Тўғриси, Олимнинг бу ютуғи нафақат унинг оиласи, балки ўқиётган мактаб, туман аҳли учун катта фахрга айланди. Бугунги кунда Олимжонга ҳавас қилиб, унинг изидан боришга ҳаракат қилаётган спортчилар сафи ортомқда. Ахир, мактаб ўқувчисининг ана шундай нуфузли мусобақаларда олтин медалга сазовор бўлиши чинакам бахт эмасми?

Олим Равшанов бундай ютуққа осонликча эришгани йўқ. У ёшлигидан спортга

қатнашишмоқда. Нафиса ва Аваз спортнинг таэквондо ва кураш тури бўйича машғулот олиб бораётган бўлса, Нарги-

бўйича мактаб ва туман биринчиликлари шу ерда ўтади. Қўшни туман ўқувчилари билан ҳам ўртоқлик учрашувла-



БИРИ - БИРИГА УСТОЗ, ШОГИРД

ҳавас қўйди. Чунки оилавий муҳит шунга имконият яратди. Хусусан, отаси Хонкелди Равшанов ва акаси Мамадиёр Равшанов спортни жуда севишади. Айниқса, миллий кураш билан шугулланиш учун жонидилини беришади. Ана шундай шароитда спорт билан мунтазам машғулот ўтказиш имкониятига эга бўлган Олим Россиянинг Тверь шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида дастлаб кумуш, кейинчалик олтин медални қўлга киритди.

Олимжондан ташқари, мазкур мактабда спортни дўст билган ўқувчи ёшлар жуда кўп. Айниқса, оилавий спортчилар сафининг кўпайиб бораётганлиги қувончли ҳол. Жумладан, Иброҳим Жўраевнинг уч фарзанди – Нафиса, Аваз ва Наргиза айна кунда "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида фаол

за шахмат бўйича ўзининг маҳоратини намойиш этмоқда.

Бундай спортчи ёшларнинг бор имкониятларини юзага чиқариш учун мактабда шароит етарли. 856 нафар ўқувчи таълим олаётган мазкур ўқув даргоҳида 4 нафар жисмоний тарбия ўқитувчиси бор. Мактабда спортнинг 12 тури бўйича машғулот ўтказиш учун имкониятлар мавжуд. Айниқса, таэквондо, кураш, футбол, қўл тўпи, шахмат-шашка тўғараклари ўқувчилар билан доимо гавжум. Нафиса Жўраева, Байрам Алладинов, Комил Суюнов каби ёш спортчилар республика мусобақаларида кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишган.

Мактабда деярли ҳар куни спорт мусобақалари, тадбирлар ўтказиш аънамага айланган. Спортнинг барча турлари

ри тез-тез ўтказилмоқда. Ёш спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳомийлар ҳам жалб қилинган. "Миришкор" фермер хўжалиги бошлиғи Нурмуҳаммад Хўжаев ана шундай мусобақаларда доим голибларга ўз шахсий мукофотини топширади. Жумладан, у яқинда мактаб ўқувчиларига 40 минг сўмлик дарслик олиб берди.

Бир сўз билан айтганда, Дўстлик туманидаги ушбу мактабда спорт ўйинлари тобора оммалашмоқда, спортчилар сафи ўсмоқда. Бу ўз навбатида ҳар бир оилада умидли, иқтидорли спортчилар камол топишига замин ҳозирлайди. Улар орасида келгусида мамлакатимиз шухратини жаҳонга танитадиган буюк чемпионлар етишиб чиқса, ажаб эмас.



кор туман халқ таълими бўлимлари ушбу йўналишда анча амалий ишларни, жумладан, спорт иншоотларини қайта таъмирлаш, спорт ўйингоҳ ва майдончаларини тартибга келтириш, шароитдан келиб чиққан ҳолда янги спорт майдончалари қуриш, спорт жиҳозлари билан таъминлаш каби вазифаларни ижобий амалга оширдилар. Шу борада вилоят халқ таълими бошқармасининг 2002 йил 12 августдаги 12/2-сонли қарори ишлаб чиқилиб, мавжуд туманларга тавсиялар берилди ва барча мактаб ўқувчилари ўртасида 3 босқичдан иборат мусобақалар ўтказилди. Бунда умумий ҳолда I-IV синфлардан жами 110885 нафар ўқувчи мусобақаларга жалб қилинди ва спортнинг энгил атлетика, шахмат, футбол, шашка турлари бўйича ўтказилди. Бу борада Жиззах шаҳри, Жиззах, Бахмал, Дўстлик, Фаллаорол туманларидаги мактабларда мусобақалар қониқарли ҳолда ўтказилди. Туманларда I-IV синфлар ўртасидаги мусобақалар финали кузги таътил давомида бўлиб ўтди.

Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг V-VIII синфлари ўртасидаги мусобақалар ҳам спортнинг 12 тури бўйича ўтказилди. Биринчи босқичда 79958 нафар ўқувчи иштирок этди ва ўқув йилининг қишки таътилида финал мусобақалари ўтказилди. Бунда Жиззах шаҳри, Жиззах, Дўстлик, Зарбдор, Бахмал, Фаллаорол, Зомин туманлари ёш

вилоятда Жиззах шаҳри I ўринни, Жиззах тумани II ўринни, Дўстлик тумани III ўринни эгалладилар.

Ҳозирги кунда вилоятда 2003 йил ўтадиган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг 12 тури бўйича пухта тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Хуллас, мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, вилоят обрўси учун курашиш ва Хоразмда ўтадиган мусобақаларда олтин, кумуш ва бронза медаллар сонини кўпайтириш. Бу борада эса ёш спортчиларимизга омадлар тилаб қоламиз.

Саидахмад МИРЗАБЕКОВ,
Жиззах вилояти ХТБ
бошлиғи



Пойтахтимизда шахмат бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг биринчи лига мусобақаларида

олий лигада иштирок этиш ҳуқуқини берувчи иккинчи йўлланма учун кураш Жиззах шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси Юлдуз Ҳамроқулова ва тошкентлик Вера Долженковалар ўртасида кечди. Қи-

зиғи шундаки, икки шахматчи ҳам 9 турдан сўнг бир хил 7 очкодан тўпладилар.

Тай-брек усулида 3 марта ўйин ўтказилди ва баҳсда Юлдуз Ҳамроқулованиннг қўли балан қелди. Унга иккинчи ўрин ва олий лигага йўлланма берилди. 13 ёшли бу шахматчининг олий лигада иштирок этиши ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Ҳозир Юлдуз Ҳамроқулова республика "Умид ниҳоллари — 2003" спорт ўйинларида вилоят терма жамоаси шарафини ўзига хос ишонч билан ҳимоя қилишга чоғланаётир.

С.ТУРСУНМАТОВ,
"Ёшлик" КСЖ вилоят
кенгаши раиси ўринбосари

ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ БЕЛЛАШУВЛАРТА ШАЙ

Республикада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилаётган улкан ислохотларнинг таркибий бир қисми бўлган спорт ишларига ҳукуматимизнинг бевосита эътибори тўғрисида маълумотлар ҳам “Умид ниҳоллари” — “Баркамол авлод” — “Универсиада”дан иборат узлуксиз тизими яратилди. Ўтган қисқа давр ичида бу тизим ташкилий жиҳатдан шаклланиб, ўқувчи-ёшлар ҳаётида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлди. Энг муҳими, юртимизда спортнинг оммавий тус олишига сабаб бўлди. Бу эса соғлом авлодни камол топтиришда дадил қадам, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда ана шундай кутлуғ пойқадамлар самараси ўлароқ, Навоий вилояти ёшларининг ҳам спортга бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу борада айниқса, узвий спорт тизимининг дастлабки бўғини ҳисобланган мактаб ўқувчилари ўртасидаги “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ўз қамровининг кенглиги билан ажралиб туради. Шу боис ҳозир спорт ўйинларининг юқори савияда ўтказилишига вилоятда алоҳида эътибор қаратилган.

Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг вилоят босқичи 2003 йилнинг 18-30 март кунлари бўлиб ўтди ҳамда барча спорт турлари бўйича ғолиб

жамоалар ва ўқувчилар аниқланди.

Ҳозирда вилоят халқ таълими бошқармасининг 2003 йил 4 апрелдаги “Умид ниҳоллари — 2003” Республика финал мусобақаларига муваффақиятли тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш тўғрисида”ги буйруғига асосан 2003 йил вилоят, туман, шаҳарларида барча спорт турларидан ўқув йиғин машғулотлари ўтказилмоқда.

Республика босқичида ҳам ғолибликка даъвогарлик қилаётган ўқувчиларимиз 10 апрелдан 5 майга қадар спорт турлари бўйича ўқув-йиғин машғулотларида кунига 2 марта машғулот олиб боришаётган бўлиб, машғулотларни ўтиш учун вилоятдаги энг тажрибали мураббийлар бириктирилган. Ўқувчилар учун барча талабларга жавоб берадиган спорт заллари ва майдончалари ажратилган. Ва унда ўқувчиларнинг спорт маҳоратларини ошириш мақсадида барча спорт турларидан ўртоқлик учрашувлари,

мусобақалар мунтазам ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан спорт мусобақаларининг намунали ўтишини таъминлаш мақсадида иштирокчи ўқувчиларга барча спорт турлари бўйича спорт кийимлари ва анжомлари харид қилиш учун 4,5 млн. сўм маблағ ажратган бўлиб, ҳозирда спорт кийимлари ҳамда бошқа спорт анжомлари тўла-тўқис харид қилинди.

Ҳозирданок “Умид ниҳоллари — 2003” Республика финал мусобақалари иштирокчиларини Хоразм вилоятига поездда олиб бориш ва келиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ўйлаймизки, ўқувчиларимизни халқаро спорт майдонларига етакловчи мазкур спорт мусобақалари юқори савияда ўтказилади.

Х.ЯКУБАЕВ,
Навоий вилояти
ХТБ бошлиғи



УСТОЗЛАРИМ ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМАН!

Авалло, жонажон юртимизда иккинчи мартаба ўтказиладиган ўқувчи-ёшларнинг шундай нуфузли спорт мусобақасида иштирок этаётганлигидан бахтлиман. Мен ва жамоамиз аъзолари учун ушбу катта спорт байрами бир умрлик қувонч ва ўзгача энтиқиш билан эслайдиган хотира бўлиб қолишига ишончим комил. Мазкур мусобақанинг яна бир қувончли томони, мусобақаларнинг ҳар йили юртимизнинг турли дунёга танилган ша-

ҳарларида ўтказилиши боис, Ватанимиз билан яқиндан танишаёпмиз. Унинг қадим аждодларимиз ўтмишидан сўзловчи муқаддас қадамжоларида бўлиб, ўзлгимизни кашф этаёпмиз.

Ўтган йили Фарғонада ўтказилган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг республика босқичида ҳам иштирок этганман. Мурсасиз беллашувлар спорт билан янада яқинлашишга туртки бўлган бўлса, қадим водийнинг гўзал ва кўхна маданияти билан танишишим фикрим ва дунёқарашимнинг кенгайишига таъсир этди, Ватанимизнинг тенгсиз эканлигини англадим ва қалбим ифтихорга тўлди.

Бу йилги мусобақалар эса Хоразм заминидан ўтказилиши кутилмоқда. Ҳозирда юртимизнинг узок йиллик бой тарихини ўзида акс эттирган воҳа тарихини теранроқ ўрганиш иштиёқидаман. Албатта, мусобақаларда ҳам муносиб қатнашишга ҳаракат қиламан.

Сергей АНИШЕНКО,
Навоий шаҳридаги
13-мактаб ўқувчиси




“Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари — биз каби ёшларни халқаро спорт майдонлари томон етакловчи восита. Ўтган йили Фарғонада ўтказилган мазкур мусобақаларда спортнинг сузиш тури бўйича иштирок этдим. Сўнгги натижаларга кўра, 100, 200, 400

БУГУНГИ МУСОБАҚАЛАР КЕЙИНГИ ҒАЛАБАЛАР ПОЙДЕВОРИ

метрларга эркин ва аралаш сузиш баҳсларида ғолиб бўлиб, 4 та олтин медални жамоамизга тақдим этган бўлсам-да, айтиш жоизки, рақибларимнинг анча кучли эканликларига иқрор бўлдим. Зафар қучишимга эса сўнгги сониялардаги тезкор ҳаракатим ҳамда иродамнинг мустақамлиги сабаб бўлди, деб ўйлайман.

Мана орадан бир йил ўтди.

“Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари — эзгулик ва дўстликнинг тантанаси. Ушбу мусобақалар орқали ўқувчиларимиз республикаимизнинг барча вилоятларидан дўстлар орттиришмоқда. Бу дўстлик ришталари эса ёшларнинг бирлигига, бир



мақсад сари эзгу интилишларига омил бўлаётир. Муҳими, бу жараёнларнинг намунали ташкил этилиши учун ҳукуматимиз томонидан, қолаверса, вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан дастлабки босқичларданок алоҳида эътибор берилаётир. Ўтган йили Фарғона вилоятида бўлиб ўтган мусобақаларда ҳам вакилларимизнинг беллашувларда муносиб иштирок этишларини таъминлаш мақсадида вилоят босқ-

шон шаҳри спортчи ўқувчилари ва 1 та кумуш медалини эса Хатирчи тумани спортчилари қўлга киритишган. Бу эса юқоридоги шаҳар ва туманларда спортнинг яхши йўлга қўйилганлигидан дарак бериши билан бир қаторда ҳали баъзи жойларда қиладиган ишларимиз кўплигини билдиради.

Ишонамизки, ҳукуматимиз томонидан ёшлар камолотига қаратиладиган эътибор самараси ўлароқ, қолаверса, фидойи ўқитувчиларимизнинг бугунги изланишлари натижасида тез орада юртимиз байроғини жаҳон спорт майдонларида ҳам баланд кўтарувчи кўплаб спортчи ёшлар чиқади.

Х.РАЗЗОКОВ,
вилоят “Ёшлик” КСЖ
раиси ўринбосари

Фарғона вилоятида ўтказилган “Умид ниҳоллари” Республика финал мусобақаларида вилоятимиз терма жамоалари умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Албатта, бу натижалардан ҳали қониқиш ҳосил қилиш қийин. Аммо, “Умид ниҳоллари” Республика финал мусобақаларида спортнинг сузиш тури беллашувларида вилоятимиз вакиллари 16 та олтин, 7 та кумуш, 7 та бронза, ўзбек курашидан 2 та олтин, енгил атлетикадан 1 та

ичи мусобақаларда барча спорт турларидан энг кучли спортчилар ажратилиб, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари томонидан 137 нафар ўқувчи, 16 нафар мураббий, 16 нафар ҳакам, 1 нафар шифокор, “Умид ниҳоллари” Республика финал босқичида қатнашиш учун махсус поездда Фарғона шаҳрига юборилди.

Бундан ташқари, Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан спорт мусобақаларининг намунали ўтишини таъминлаш мақсадида иштирокчи ўқувчиларга барча спорт турлари бўйича спорт кийимлари ва анжомлари харид қилиш учун 4,5 млн. сўм маблағ ажратган бўлиб, ҳозирда спорт кийимлари ҳамда бошқа спорт анжомлари тўла-тўқис харид қилинди.

Бундан ташқари, Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан спорт мусобақаларининг намунали ўтишини таъминлаш мақсадида иштирокчи ўқувчиларга барча спорт турлари бўйича спорт кийимлари ва анжомлари харид қилиш учун 4,5 млн. сўм маблағ ажратган бўлиб, ҳозирда спорт кийимлари ҳамда бошқа спорт анжомлари тўла-тўқис харид қилинди.

Бу давр мобайнида мусобақадор дўстларим ҳам тинимсиз машғулотлар олиб боришганлигига ишончим комил. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, бу галги беллашувларда ғалаба нашидасини суриш осон бўлмаслигини тушунаман. Аммо орзулар сари одимлар

сўнг эса дунё спорт шоҳсупаларида ҳам бошим ҳам бўлиб қолмаслигига ишонаман. Чунки, бугунги мусобақалар эртанги ғалабаларимиз пойдевори бўлади.

Андрей СЕВЕРИН,
Навоий шаҳридаги
13-мактаб ўқувчиси



ФАРҶОНА САБОҚЛАРИ

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг ўтган йилги Республика босқичида иштирок этган Наманган вилояти ўқувчилари барча кўрсаткичлар бўйича умумжамоа ҳисобида фахрли 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлишган эди. Унда қатнашган 137 нафар спортчи ёшларнинг сайъ-ҳаракатлари, кўрсатган маҳоратлари билан вилоятга 5 та олтин, 21 та кумуш, 48 та бронза медаллари шодаси олиб келинди. Наманганлик волейболчи қизлар, белбоғли кураш бўйича қатнашган полвонлар фахрли 2-ўринни эгаллаган бўлишса, баскетболчи ўсмирлар, стол тенниси, катта теннис, футбол терма жамоалари Республика спортчилари ўртасида учинчилиқни қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

— «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Республика босқичида 3-ўринни эгаллашимиз катта гап, албатта, — дейди «Ёшлик» кўнглили спорт жамияти вилоят кенгаши раиси ўринбосари И.Мўминов, — лекин «Умид ниҳоллари»нинг Фарғона мусобақалари биз учун сабоқ бўлди. Шу боис, бу йил Хоразмда ўтказиладиган мусобақа-

ларга тайёргарликни анча барвақт бошладик. Ҳар бир босқичдаги мусобақалар Низомда белгиланган муддатда, қатъий назорат остида ўтказилди.

Мусобақаларнинг вилоят бўйича I босқичида 1-4-синфлардан 217987 нафар, 5-7-синфлардан 160058 нафар, 8-11-синфлар бўйича 132401 нафар ўқувчи ёшлар иштирок этишган бўлса, II босқичда 13 та шаҳар, туманлар ғолиблари бўлмиш 5-7-синфлардан 155597 нафар ва 8-11-синфлардан 146223 нафар ўқувчилар вилоятда ўз шаҳар, туманлари шарафини ҳимоя қилишди. 1963 нафар 8-11-синф ўқувчилари қатнашган мусобақаларнинг вилоят босқичи ўз ғолиблари ва Республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган жамоаларни аниқлаб берди. 25-28 март кунлари бўлиб ўтган саралаш мусобақалари якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Наманган шаҳри 1-, Турақўрғон тумани 2-, Косонсой тумани ўқувчилари 3-ўринларни эгаллашди.

Энг кучлиларнинг орасидан эса республика босқичида қатнашадиган терма жамоага 151 нафар ёш спортчилар (шундан 65

нафари қизлар) саралаб олинди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг ҳар учала босқичида қатнашган ёш спортчилар ва уларнинг ғолиблари вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят спорт кўмитаси, касаба уюшмалари вилоят кўмитаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан таъсис этилган дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, ғолиб ва фаол қатнашчилар вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари, ҳомийлар томонидан ҳам қимматбахо совғалар билан рағбатлантирилди.

Хоразмда бўладиган беллашувларда қатнашадиган спортчилар махсус буюртма орқали спорт кийимлари билан тўлиқ таъминланди.

Ёш спортчилар ҳамда 35 нафар мураббий ва ҳакамларни уюшган ҳолда Хоразмга олиб бориб келиш учун зарур маблағ ажратилди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, наманганлик ўқувчилар бу йил ўтган йилги мусобақалардан олган сабоқлари асосида Хоразмдан ғолиб бўлиб қайтишни кўзлаб туришибди.

— дейишмоқда вилоят терма жамоасининг волейболчи қизлари. Бу жамоанинг асосини ўтган йилги «Умид ниҳоллари» Республика босқичида қатнашганлар ташкил этмоқда. Жамоа сардори Юлдуз Нейматова, аъзолардан Назокат Дадамирзаева, Муҳайё Розикова, Алёна Жуковалар ҳозирда вилоят аёллар волейбол жамоасининг аъзолари ҳисобланишади.

Уларга Янгиқўрғон туманидаги 26-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчилари

ни туманининг чекка қишлоғидаги 26-мактаб ўқувчилари ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, спорт ишларини ривожлантиришда қишлоқ мактабларида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. «Умид ниҳоллари»нинг ўтган йилги пировард босқичида худди шу қизлар ўз мактабларига кумуш медал билан бирга, Халқ таълими вазирлигининг «Энг ахил жамоа» деб номланган махсус совғаси — сўнги русумдаги компьютерни

Муҳайё, Алёналар эндиликда «Умид ниҳоллари»да ҳам Наманган жамоаси номидан майдонга тушадилар.

Жамоа сардори, спорт усталигига номзод Юлдуз Нейматованинг айтишича, ўтган йили Фарғонадаги мусобақаларда иккинчи ўринни олишлари ва «Энг ахил жамоа» номига сазовор бўлишларига аввало, барча қизларнинг бир қишлоқда яшаб, бир мактабда ўқиганлари сабаб бўлган. Жумладан, унинг ўзи ва жамоадорлари Назокат,

«БИЗ ҲАМ БЎШ КЕЛМАЙМИЗ»

ри Р.Ёқубжонов, И.Турдиев ҳамда тумандаги 21-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси И.Асадовлар сабоқ беришмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, жамоанинг асоси-

олиб келишган эди. Яқинда Навоий шаҳрида ўтказилган волейбол бўйича аёллар ўртасидаги Ўзбекистон чемпионатида вилоят шарафини ҳимоя қилиб қайтган Юлдуз, Назокат,

Фароғат, Омадиёр, Гулбахор, Маҳфуза, Садоқатлар 26-мактабнинг 11-синфида ўқимокдалар. Сарвиноз Ҳолиқова ва Гулбахор Бобоҳоновалар эса 10-ҳамда 9-синф ўқувчилари ҳисобланадилар. Уларнинг жисмоний тарбия дарсларида доимо биргаликда ҳаракат қилишлари, бир-бирини тез тушуна олишлари, ким қайси позицияни мустаҳкам эгаллай олиши ва ўша жойда ўйнаши жамоанинг бир тан, бир жон бўлиб галаба учун курашишига ҳизмат қилди. Уларнинг нияти ўтган йилги хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, бу сафар биринчилиқни қўлга киритишдир.



ВИЛОЯТДА КУРАГИ ЕРГА ТЕГМАГАН ПОЛВОН

Рустам Умаров Турақўрғон туманидаги 8-мактабнинг 11-синфида ўқиш билан бирга 10 йилдан, яъни бошланғич синф ўқувчилигидан буён курашнинг Фарғонача усули билан шуғулланиб келади. Унга Туйчи полвон Сиддиқов номидаги 28-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси А.Баҳромов кураш сирларини ургатиб келмоқда. Ҳозирга қадар Рустам уз вазни бўйича 5 карра Республика чемпионлигига сазовор булган. «Умид ниҳоллари» вилоят босқичида 60 килограммли вазнда унга тенг келадиган рақиб топилмаган. Р.Умаровнинг бу спорт турига қизиқиши бежиз эмас.

У асли полвонлар сулоласидан бўлиб, бобоси Туйчи полвоннинг ҳам кураги ер курмаган эди.

Рустам ёшлигидан спортга қизиқди. Бобоси донгдор полвон булганлиги боис, қайси туйда ёки байрамда кураш мусобақаси булса, даврани қизитиб бериш учун, албатта, таклиф этиларди. Бобосининг ортидан доимо эргашиб юрган болакай ҳам ёшлигидан полвонлар даврасининг иштирокчисига айланди. Уларнинг эпчил ва тез ҳаракат қилишларини куриб, қузи пишди. Секин-секин унинг узи ҳам тенгқурлари билан беллашиш учун майдонга туша бошлади.

Бирида йиқилди, бирида йиқитди. Кураш сирларини ургани боргани сари мағлублик ундан узоқлаша борди. Мана бугун мактаб, туман, вилоят босқичида муғлак ғолиб саналган ёш полвон катта гиламга тушмоқчи, ўз маҳоратини курсатиб, фарғонача кураш ватани саналган Водийдан Хоразмга келганлигини мухлисларга намойиш этмоқчи. Рустамнинг орзуси келгусида кураш бўйича халқаро мусобақаларда мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш, спортнинг бу миллий тури бўйича етук мутахассис

бўлиб етишиш. Бунинг учун унда етарли шарт-шароитлар бор.

Зеро, бугун дунёнинг катта-катта давлатларида кураш бўйича утказилаётган жаҳон чемпионатларида «ҳалол», «чала», «ёнбош» сингари узбекча каломларнинг янграшида Ўзбекистон номини дунёга таратмоқда. Миллий уйинларимиздан саналган кураш мусобақаси 70 йиллик истибод даврида топталган, халқдан тортиб олинган, кишилар онгидан уни чиқариб ташланишига уринилган булса-да, лекин, бугун у яна тикланди. Ва нафақат юртимиз, балки жаҳон бўйлаб буй курсата бошлади. Узбек туйларининг, байрамларининг энг қизгин қисмига айланди. Зеро, утмишини унутмаган халқнинг эртаси ёруғ, келажаги порлоқ булади. Шу маънода Рустам сингари ёш полвонлар миллий уйинларимизнинг бу турининг тобора оммалашшига, одамларнинг энг сеvimли спорт машғулотига айланишига ҳисса қўшадилар, дея умид билдириб қоламиз.

Саҳифа материалларини
К.АЛИОХУНОВ ва
А.ТУРСУНАЛИЕВ
тайёрлади.

Давлатобод туманидаги 49-мактаб ўқувчиси, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 19-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Элеонора Муҳаммадиева эндигина 12 ёшга тўлди. Лекин у ёш бўлишига қарамай бадий гимнастика билан тинмай шуғулланиб келмоқда. Онаси Ильмира Муҳитдиновадан спортнинг ана шу тури бўйича сабоқ олаётган

лари сони 12 тага етди. Кези келганда шуни айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси йиғилишида Президентимиз аёллар спортини ҳам шакллантиришга эътибор қаратмоқ лозимлигини таъкидлаган эдилар. Бугун соғлом авлод орзусига етишиш борасида амалий ҳаракатлар олиб борилаётган бўлиб, аввало онанинг соғлом бўлиши соғ-

ЭЛЕОНОРАНИНГ ОРЗУСИ

Элеоноранинг дастлабки муваффақиятлари ҳам чакки эмас. Шу йили Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган Республика биринчилигида у II ўринга сазовор бўлди. Эндиликда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Хоразмда бўладиган республика босқичида қатнашиш учун ҳозирлик кўраётган Элеонора ғолиблиқни қўлга киритиш орзусида.

Дарвоқе, бу йилги «Умид ниҳоллари» ўйинларининг ўтган йилгидан фарқли жиҳати, бу сафар унинг қамров доираси кенгайтирилиб, бадий гимнастика ҳам қўшилди ва «Умид ниҳоллари» мусобақалари таркибидан жой олган спорт тур-

лом фарзанд дунёга келишига хизмат қилади. Мутахассислар фикрича, бадий гимнастика турини юртимизда шакллантиришга имкон ва эътибор бор. Ҳозирда халқаро турнирларда Россия шарафини ҳимоя қилаётган Алина Кабаева ҳам Ўзбекистонда туғилиб ўсган. Шунингдек, «Умид ниҳоллари» таркибига бадий гимнастиканинг киритилиши, у билан шуғулланувчи қизлар сонининг ошишига сабабчи бўлди. Илк маротаба ўтказилаётган нафис спорт тури — бадий гимнастика «Умид ниҳоллари» иштирокчиларида катта таассурот қолдириши, шубҳасиз.



НАВБАТ — РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

Жисмоний тарбия ва спорт ўз номи билан тарбиянинг энг фаол, оммавий туридир. Зеро, бу тарбия кишига маънавий ирода ва етуклик, соғлом тан, соғлом ақл, Ватан ва миллат келажига масъуллик туйғусини ато этади. Шунингдек, спорт — инсонни маънавий камолот шохсупасига олиб чиқувчи пиллапоё ҳамдир. Спорт билан мунтазам шуғулланган, голиблик ва

мизнинг эртасига, уларнинг комиллик пиллапоёлари сари интилишларига туртки бераётганлиги киши қалбида ҳам умид куртакларининг қулоқ ёзишига сабаб бўлмоқда. Буни ўғил-қизларимизнинг бугунги шижоатлари, кўзларида порлаётган ўзига бўлган ишонч нишонларидан ҳам англаш қийин эмас.

Шу боис Самарқанд вилояти ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларининг 8-11-синф ўқувчилари ўртасида ҳар йили ўтказиладиган спорт мусобақаларининг дастлаб очилиш маросимидан тортиб, ёпилиш тантаналарига гача байрамона руҳда ташкил этишга алоҳида эътибор қаратади. Айниқса, жорий йилда Хоразм вилоятида ўтказиладиган IV-босқич финал мусобақаларига 2355 нафар ўқувчилар жалб қилинганлиги



мағлубиятнинг ифтихор ва аламларини тотиб кўрган киши руҳан бардам, ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўта оладиган курашчан шахсга айланади. Шу жиҳатдан қараганда бугун юртимизда камол топаётган фарзандларимизни ёшлиқдан спорт билан ошно қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан мактаб давриданок муҳим эътибор қаратилиб, уларнинг илк қизиқишларини ривожлантирувчи «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақаларининг узвий тизими яратилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, ушбу узвий тизимнинг дастлабки босқичи ҳисобланган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари ҳақиқий маънода фарзандлари-

аҳамиятга молик. Вилоят финал мусобақаларининг якунига кўра, Темирийўл тумани, Боғишамол тумани, Пастдарғом тумани, Ургут тумани, Самарқанд тумани вакиллари яхши натижаларни кўрсатишиб, юқори поғоналарни эгалладилар.

Спорт турлари бўйича Темирийўл тумани — футбол, баскетбол (қизлар), волейбол (ўғил-қизлар), кўл тўпи (қизлар), Боғишамол тумани — енгил атлетика, баскетбол (ўсмирлар), кўл тўпи (ўсмирлар), стол тенниси, бадий гимнастика, теннис; Ургут тумани — миллий кураш, белбоғли курашда тенгсиз эканликларини исботлашди.

Иккинчи бор ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ви-

лоятнинг чекка туманларидан ҳам кўпгина иқтидорли спортчилар етишарганлиги кўзга ташланди. Айниқса, спортнинг баскетбол тури бўйича оқдарёлик Гулжаҳон Кўчқорова, Ўғилой Раҳматова, кўл тўпи бўйича тайлоқлик Зоир Қаюмов, Иштихон туманидан Асқар Баракаев, шахмат бўйича ургутлик Жамшид Султонов ва бошқаларнинг мусобақаларда кўрсатган маҳоратлари томошабинлар қалбини ҳунбишга келтирди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 октябрдаги 374 сонли «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга тадбиқ этган ҳолда умумий ўрта таълим мактабларида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида мазкур жамғарма фаолиятини йўлга қўйиш борасида ҳам бир қатор режалар белгилаб олинган бўлиб, ҳозирда чуқур изланишлар олиб борилмоқда. Эътиборлиси, кўпгина ўқув муассасаларида спорт ишоотлари қайта таъмирланиб, керакли спорт анжомлари билан таъминланди.

Ҳозирги кунда барча диққат-эътибор «Умид ниҳоллари-2003» спорт мусобақаларининг Республика босқичи беллашувларига қаратилган бўлиб, ўқувчиларимиз ушбу босқич ўйинларида муносиб иштирок этиш учун ҳозирлик кўришмоқда.

Уйлайманки, ёш спортчиларимиз Хоразм заминидан ўтказиладиган «Умид ниҳоллари-2003»нинг республика беллашувида вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

Маҳмуд БОБОЁРОВ,
Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Дарҳақиқат, спортсиз ҳаётимни тасаввур қилишим қийин. Зеро, ўзлимни кашф этишимда, она-Ватаним олдидаги бурчларимни сидқидилдан



СПОРТ —
ҲАЁТИМ
МАЪМУРИ

бажара олишимда, унинг суюкли фарзанди эканлигимни ҳис этишимда спортнинг таъсир кучи катта.

Ёшлигимдан спортнинг енги атлетика тури бўйича «Ёшлик» кўнгили спорт жамиятида шуғулланиб келаман. Спортга бўлган мендаги меҳрнинг бўлақчалиги боис, тинимсиз изланишларим самараси ўлароқ энг ёш спорт устаси номига лойиқ топилиб, Республика терма жамоаси таркибидан бир неча бор енги атлетика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Жаҳон ва Осиё биринчиликларида иштирок этиш шарафига муваффақ бўлган бўлсам, Москвада ўтказилган Бутунжаҳон ёшлар ўйинларида 6-уринни қўлга киритганлигим Ватан олдидаги фарзандлик бурчимни англашимга туртки бўлди.

Гаяне БЕГЛОРИЯН,
Боғишамол туманидаги 37-мактабнинг 10-синф ўқувчиси

Биз биламизки, бола ёшлиқдан ўйинқароқ бўлади. Ўйинқароқлик нафақат ўғил болалар, балки қиз болалар табиатида ҳам мужассам. Эҳтимол, мактаб ёшидаги фарзандларимизнинг ушбу остонани ҳатлагач, жисмоний тарбия фанларини бошқа фанларга қараганда кўпроқ севишларига ана шу омил сабаб бўлади.

Таълимни спортсиз ривожлантириб бўлмаслигига эътибор қаратсак, бу ҳол ижобий, ал-

нинг кўпгина турлари бўйича шуғулланиш имкониятига эгалар.

Таъкидлаш лозимки, кўҳна Хоразм заминидан бўладиган «Умид ниҳоллари-2003» спорт мусобақалари республика босқичи олдида мазкур спорт мактабидан машғулларни ўтаётган ўқувчиларимиз қизгин тайёргарлик кўришаётир. Бу жараёнда ҳатто табиат инжиқликлари ҳам ёшларимиздаги ғайрат-шижоатни сундира ол-

СПОРТЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ УЛАРГА ЭЪТИБОРДАН ДАРАК

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг бугунги иштирокчилари нафақат эртанги жаҳон спорт майдонларида юртимиз байроғини баланд кўтарувчи спортчиларни, балки Ватанимиз шаънини, элимиз тараққиётини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссасини кўшувчи баркамол авлодни комил топтиришга хизмат қиладилар. Зеро, спорт болани ҳам маънавий, ҳам ақлан соғлом вояга етказди. Шу боис ўқувчи ўғил-қизларимизнинг спортга меҳрларини ошириш мақсадида вилоятимизда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада айниқса, Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги «Ёшлик» кўнгили спорт жамияти тасарруфидаги 41-болалар-ўсмирлар спорт мактаби мураббийлари олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда спорт мактабидан 26847 нафар ўқувчилар спортнинг 27 тури бўйича машғулотларга қатнашиб келмоқдалар. Уларга 857 нафар ўқувчи-мураббийлар спорт сирларини ўргатмоқдалар.

Шу билан бирга, умумий ўрта таълим мактабларида 150783 нафар ўқувчилар спорт тўғрисида мунтазам қатнашиб келадилар.

2003 йилнинг ўтган даври мобайнида «Ёшлик» кўнгили спорт жамияти спортчилари Ўзбекистон терма жамоаси таркибидан Жаҳон, Осиё, Халқаро мусобақаларда иш-

тирок этишиб, талайгина ютуқларни қўлга киритиб улгурдилар. Жумладан, дзю-до кураши бўйича жамиятимиз аъзоси Самарқанд шаҳридаги 30-мактаб ўқувчиси Сергей Лим ва Рустам Еникеев мамлакат биринчилиги мусобақасида голиб

Носиров, 37-мактаб ўқувчиси Зарема Мамедова, Алёна Скварцова, бокс бўйича Голиб Тиллаев, енги атлетика бўйича Гаяне Беглориянлар ҳам ўз қизиққан спорт турлари бўйича яхши натижаларга эришиб келмоқдалар.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида ҳам спортчиларимиз спортнинг барча турлари бўйича иштирок этишиб, ҳозирги кунда вилоят терма жамоаси таркибидан Хоразм вилоятида бўладиган республика «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига қизгин ҳозирлик кўрмоқдалар.

Ўз ўрнида таъкидлаш лозимки, «Ёшлик» кўнгили спорт жамияти спортчиларининг юқори натижаларини кўрсатиб келишларида вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбариятининг эътибори, спортчилар ҳамда мураббийларни ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашлари муҳим аҳамият касб этаётган бўлса ажаб эмас.

Ишонаманки, спортчи ўқувчиларимиз Хоразмда ҳам бизни уялтириб қўйишмайди.

М.АХМЕДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси



ФАРЗАНДАРИМИЗ
МУВАФФАҚИЯТИДАН
ҚУВОНАМАН

батта. Зеро, ҳар иккисининг замирида шахсни ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топтиришдек эзгу мақсад этади.

Шу боис умумий ўрта таълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларининг янада қизиқarli ўтилишини таъминлаш лозим. Бу борада эса вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги енги атлетика маҳсус болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабидан йўлга қўйилган ўзига хос тажриба алоҳида эътиборга молик. Спорт мактаби ҳар жиҳатдан замон талабларига жавоб берадиган бинода жойлашган бўлиб, унда спортга меҳр қўйган фарзандларимиз спорт-

мади. Демак, спорт — буюк куч. У инсонни сабр-матонатли, ҳар қандай қийинчиликларни сабот билан енгишга кўнглини берувчи, ўзлигини танишга кўмаклашувчи восита. Спорт майдонларида ҳам руҳан, ҳам жисмонан тобланган ўқувчиларимизнинг аксарияти ҳозирда юртимиз байроғини халқаро спорт шохсупаларида ҳам юқорига кўтараётган бўлса, кўпчилик ўқувчиларимиз элимизнинг фаровон турмуши йўлида камарбаста бўлаётганлигини кўриб қувониб кетаман.

Валентина БЕГЛОРИЯН,
мураббий, «Соғлом авлод учун» II даражали ордени соҳибаси



«Хар бир миллат, ҳар бир халқ ўз насл-насабини, келажак авлодини асраб-авайлаб, унинг қадрини билса, бундай миллатнинг, давлатнинг келажиги буюк бўлиши муқаррар. Зотан, ҳар қандай миллатнинг равақли, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шуҳрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий

спорт мусобақаларининг 2002-2003 ўқув йили давомида уч босқичда ўтказилган беллашувлари 31 март куни Гулистон шаҳрининг «Алпомиш» спорт саройида тантанали равишда якунланди. Қизиқарли ва мурасасиз учрашувларда 1-4, 5-7, 8-11-синф ўқувчиларининг 80 фоизидан кўпроги қатнашдилар. Қизиқарли тарзда бўлиб ўтган мусобақалар ўтган йилги ўйинларга нисбатан ташкилий, оммавий жиҳатдан юқори савияда ўтказилди. Ёш спортчиларимизнинг маҳорати, тажрибаси ошганлиги ҳам яққол сезилди ва биз бундан фақатгина хурсанд бўламиз. Вилоятимиз умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ни-

миз ўқувчи-спортчилари терма жамоаларининг республика миқёсида бўлиб ўтган якуний мусобақаларидаги натижалари муҳокама қилиниб, ўқув йили давомида вилоятдаги спорт мактаблари ва мактабларда фаолият кўрсатаётган жисмоний тарбия ўқитувчи-мураббийлари махсус режалар асосида ўқув-машғулоти олиб бордилар. Бугунги кунда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика якуний босқичида иштирок этувчи ёш спортчиларни Урганч шаҳрида муносиб ўйинлар кўрсатишлари учун вилоятда барча етарли шароитлар яратилган. Керакли спорт анжумани, терма жамоа сафидаги ўқувчилар учун спорт кийимларига 10 млн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Санъаткорлар, полвонлар юрти бўлмиш Хоразмга боришга тайёрланган ўқувчиларимиз шу кунларда жойларда ўқув-машғулоти йиғинларини ўтказиш баробарида ўз куч ва




ОРЗУЛАРИМ ЧУКАН

Бугунги кунда ўзбек миллий курашининг жаҳон бўйлаб ном таратиши, бошқа халқ ва миллат вакиллари билан курашга янги қизиқиш ва ҳавас билан қараб, миллий кураш спорт мусобақаларининг ўтказилиши ҳам бизнинг халқимизга фахр-ифтихор туйғусини бағишлайди.

Мен болалигимдан оқ бадан тарбия билан шуғулланишга одатланганман. Шу боис спортнинг бел-

яшаш жойлари, урф-одатлари тўғрисида сўхбатлашамиз, тажриба алмашамиз. Булар орқали бизда Ватанимизга, элимизга бўлган меҳр-муҳаббат янада ёлқинланади. «Умид ниҳоллари»га тайёргарлик жараёнининг ўзидек, менинг спорт билан ошно бўлишимга, фикрим ва дунё-



боғли кураш тури бўйича мактаб, туман миқёсидаги барча мусобақаларда қатнашиб келмоқдаман. Аввало жонажон юртимизда иккинчи маротаба ўтказилаётган шундай катта спорт мусобақасида иштирок этаётган тенгдошларимга омад тилайман. Анжуман фақат спорт тарихидагина эмас, Ватанимиз йилномасининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб ўрин олмоқда. Мен ва жамоамиз аъзолари учун бу нуфузли спорт байрами бир умрлик қувонч билан эслайдиган ширин хотира ҳисобланади.

Мазкур мусобақаларнинг яна бир қувончли томони биз кўрмаган ва кўриш шарафига муяссар бўлган Ватанимизнинг турли ғшаларида ўтаётганлигидир. Мусобақанинг яна бир муҳим жиҳати бошқа вилоятлардан келган беллашув иштирокчиларидан янги дўстлар орттирамиз, тенгдошларимиз билан мулоқотда бўлиб уларнинг ўқиш,

қарашимни кенгайтиришга, Ватан олдидаги бурчимни чуқурроқ англашимга олиб келди. Юртбошимиз Ислоҳ бобо биз — ёшлар учун барча шароитларни яратяптилар. Биз шундай Ватанда, шундай беғубор, мусаффо осмон остида яшаётганимиздан фахрланамиз. Ўтган йили Фарғона шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари—2002» спорт мусобақаларида белбоғли кураш бўйича 1985-86 йилларда туғилганлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида голиб чиқиб, олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқини қўлга киритдим. Лекин, бу энди ҳаракат қилмайман, дегани эмас. Чунки, мен ўзимнинг ўқиб-ўлғайган мактабимнинг, қолаверса, юртимизнинг шаънини ҳимоя қилишга қаттиқ бел боғлаганман.

Аслбек ЭГАМБЕРДИЕВ,
Боевут туманидаги
36-мактабнинг
11-синф ўқувчиси

ЮРТНИНГ ТАЯНЧИ БЎЛИШАДИ


ва жисмоний етуқлигига боғлиқ». Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ушбу сўзларида чуқур маъно бор. Тарихга назар солар эканмиз, қадим заминимиз ўзининг мард, паҳлавон, жасур ўғлонлари билан жаҳонга танилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирги кундаги энг асосий вазибаларимиздан бири, бу— ҳаётнинг мазмуни, мағзи бўлмиш қобил фарзандларни тарбиялаб, уларни ҳам жисмонан, ҳам маънан комил шахс қилиб вояга етказишдан иборатдир.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий қисми ёшларнинг жисмонан баркамол, маънан етук бўлиб вояга етишишларига қаратилганлиги боис, Ўзбекистонимизни ёшлар мамлақати деб аташни лозим топдим. Мана шу ёшлар ўлкасида жаҳонда биринчи бўлиб ўқувчи ва талабаларни соғлом турмуш асоси ҳисобланмиш спортга оммавий ва мунтазам жалб қиладиган бир бутун тизимнинг яратилиши ҳамда ҳаётга татбиқ этилишининг аҳамияти нечоғлик улкан эканлиги йиллар ўтган сари янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Чунончи, Сирдарё вилояти умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари»

холлари» спорт мусобақаларининг 2002 йил Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган финал босқичида терма жамоамиз белбоғли кураш тури бўйича етакчи ўринлардан бирини қўлга киритди ва бундай натижага эришишда Сирдарё вилояти Боевут туманидаги 36-мактаб ўқувчилари Аслбек Эгамбердиев ҳамда Султон Турдиалиевларнинг интилиши ва маҳоратларини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Ютуқларга эришиш билан биргаликда вилоятимизнинг энгил атлетика, футбол, кураш, волейбол (ўсмирлар) бўйича терма жамоалари ўтган йилги мусобақаларда иштирок этиш жараёнида тайёргарлик даражаси бир мунча яхши бўлишига қарамасдан, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмадилар, натижада кўзланган мақсадга эриша олмадилар, вилоятимиз терма жамоаси умумжамоа таркибиди 10-ўринни эгаллади. Мана шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 2002 йил июнь ойида ўтказилган ҳайъат мажлисида вилояти-

маҳоратларини янада мустаҳкамлаш борасида меҳнат қилмоқдалар. Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан мусобақа қатнашчиси бўлган ёш спортчиларнинг йўл чипталарини олиш, ҳужжатларини ҳозирлаш каби



бир неча масалалар ҳал этиб қўйилди. Уйлайманки, бу йил вилоятимиз спортчилари учун омадли келади ва «Обод маҳалла йили»да улар обод бўлишга интилаётган вилоятимиз равақига ўз галабаларию муваффақиятлари билан ҳисса қўшишади. Бундай кучли ва маҳоратли издошларимиз биз барпо қилаётган кудратли ва адолатли, келажиги буюк юртимизнинг таянчлари бўлишади.

С. ГУЛОМОВА,
Сирдарё вилояти ХТБ бошлиғи

ИНТИЛИШЛАРИМ ЗОЕ КЕТМАДИ

Авваламбор, менга бу мусобақаларда қатнашиш жараёнида янги дўстлар, ўртоқлар орттириш ҳаммасидан кўра завқ шавқ бағишлайди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, турли вилоятлардан, турли урф-анъаналар доирасида катта бўлган тенгдошларимиз билан таништириб, бутун мамлакат ёшларини бир жойга тўплайдиган бундай оммавий спорт байрамларимиз кимга фахр ҳиссини ба-

ғишламайди, дейсиз?.. Ўтган йили Фарғонада бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига қатнашиш олдида шунчаки бир беллашувга қатнашаётгандек бепарво, аммо ўзимга ишонган эдим. Стадиондаги одамлар оқимини, халқимизнинг қанчалик оммавий спорт байрамларини соғинганлигини ана шунда ҳис қилдим. Рухимни таърифлаб бўлмас даражада ҳаяжон, масъулият

чулғаб олди. Бутун вужудимни қатъиятлик эгаллаб, бор кучимни галабага интилишга сарфладим. Худого шукрки, интилишларим зое кетмади, аждодларимизнинг пок рухлари қувватлагани шудирки, белбоғли кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги чемпиони бўлдим. Гулистон Давлат Университетининг жисмоний тарбия бўлимига имтиёзли қабул қилиндим, ўша пайтда битирувчи синф ўқувчиси бўлган мендек ўспиринга бу катта бахт бўлди. Мана шундай муваффақиятли натижаларга эришишимда меҳнатлари сингган ўқитувчиларимга, мураббийларимга ўзимнинг миннатдорчилигимни билдираман.

Султон ТУРДИАЛИЕВ,
«Белбоғли кураш»
бўйича
Ўзбекистон
биринчилиги голиби



ўйинлар кўрсатиш учун астойдил ҳаракат қилган ҳолда тайёргарлик ишларини, ўқув-машғулоти йиғинларини қизгин олиб бормоқдалар. Имкониятдан фойдаланиб бугун катта спорт байрами олдида стартада турган барча ўқувчи-спортчиларимизга омадлар тилаб қоламан.

НИЯТЛАРИ ИЖОБАТ БЎЛСИН

Ўтган икки йил давомида бўлиб ўтаётган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақалари давомида минглаб спортчи ёшларимиз кашф этилди. Улар голиблик гаштини суриш ёки аксинча, мағдублик аламини тортиш жараёнида ҳаётнинг, қандай мақсадда яшашнинг моҳиятини тушуниб етадилар. Ўзлари туғилиб ўсган маҳалла, туман, таълим олаётган мактаби учун жон куйдириб, унинг

шаъни олдида курашиш ҳисси пайдо бўлади. Менинг назаримда, терма жамоамиз аъзолари юқорида таъкидланган оммавий галабага интилиш, уюшқоқлик билан ҳаракат қилиш каби фазилатлардан барчасига эга бўлди. Ёш спортчиларимиз ўтган йилги мусобақаларга қараганда анча кўникма ва тажрибага эга бўлиб олишди. Ҳозирда улар Хоразмда қизиқарли ва оммавий чиройли

Уларни мамлакат ёшларининг яна бир қувончли учрашуви, қизгин беллашувлар байрами билан қутлайман. Халқимиз, нуруний отахону онажонларимизнинг фарзандлари ҳақида қилаётган дуолари, иншооллоҳ, ижобат бўлиши муқаррар.

Ш. НОРКУЛОВ,
Сирдарё вилояти
«Ёшлик» КСЖ
раисининг ўринбосари



Ватан келажаги бугунги кунда вояга етаётган фарзандларимизга, ёшларимизга боғлиқ эканлиги барчага ойдек равшан. Шу боис, келажак авлод тақдири учун қайғуриш жадал суръатлар билан одимлаётган мамлакатимизнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаларидан бирига айланди. Президентимиз ташаббуслари билан республикамиз ёшлари орасида уларнинг ҳаётига чуқур мазмун олиб кирувчи катта спорт байрамларининг ўтказилиши эътиборлидир. Жумладан, «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларини ўтказиш жараёнида қанчадан-қанча спортчи йигит-қизлар кашф этилиб, уларга имконият эшиклари очиб берилди. Ўтган йили Фарғона шахрида бўлиб ўтган мамлакат миқёсидаги «Умид ниҳоллари» финал босқичида вилоят ўқувчилар терма жамоаси спортнинг миллий кураш тури бўйича II ўринни, кўл тўпи (ўсмирлар) бўйича III ўринни, «миллионлар ўйини» бўлган футбол ҳамда «ақл гимнастикаси» ҳисобланмиш шахмат турлари бўйича IV ўринни эгаллашиб, вилоят жамғармасига керакли очколарни тўпладди. Терма жамоа вакилларида миллий кураш бўйича I та бронза, кўл тўпи ўсмирлар жамоаси ҳамда 12 нафар иштирокчилар бронза медаллари билан тақдирланишди. Юқори натижаларга эришган жамоа ва бошқа иштирокчиларни беллашувларга тайёрлашда миллий кураш бўйича мураббийлар Ражаб Худойкулов, Ўрол Шомуродовлар, белбоғли кураш му-

раббийи Қўзимурод Шобиров, кўл тўпи мураббийи Виталий Игнатенко, футбол бўйича мураббий Вячеслав Чиркин ҳамда шахмат бўйича мураббийлар Зокир Жўраев, Одилжон Азизовлар ўз шогирдларининг муносиб тайёргарлик кўришида бор куч, имкониятларини ишга солдилар. Шунингдек, Қизирик, Жарқўрғон, Музработ туманлари халқ таълими бўлими мудирлари Х. Муҳам-

анжомлар билан таъминлашда керагича маблағ ажратиб берилди. 8-11-синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг туман, шаҳар босқичи 2002 йил декабрь ойида ўтказилиб, бу мусобақада жами 96624 нафар ўқувчи-спортчилар иштирок этдилар. Мазкур спорт мусобақаларини ўтказиш бўйича туман, шаҳар халқ таълими бўлими мудирлари, жисмоний тарбия

кўнгилдагидек ўтказиш ва вилоят терма жамоаларини муносиб тарзда шакллантириш мақсадида, ҳар бир спорт тури бўйича ташаббускор гуруҳ тузилди. Гуруҳ аъзолари зиммасига ҳар бир ҳудудий босқичларда иштирок этишиб, қобилиятли спортчиларни аниқлаш ва вилоят финал босқичида иштирок этаётган жамоалардан вилоят терма жамоаларини ҳаракатчан ёшлар асоси-

финал босқичида барча спорт турлари бўйича ўтказилган мусобақа қатнашчилари тиббий ходимлар билан таъминланиб, улар назоратида бўлишди. Мусобақаларнинг мурасасиз ўтиши учун малакали мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилди. Туман, шаҳарларнинг голиб жамоалари ҳамда қатнашчилари вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят «Ёшлик» Кўнгилли Спорт Жамияти Кенгашининг 1-2-3-даражали дипломлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Ушбу нуфузли мусобақада Термиз шаҳри, Денов, Жарқўрғон, Термиз, Шўрчи, Шеробод туманлари юқори кўрсаткичларга эришиб, спорт турлари бўйича фахрли 1-ўринни эгаллашди. Ангор, Сари-осиё, Қумқўрғон, Музработ, Шеробод терма жамоалари ўтган галги мусобақаларда йўл қўйилган камчиликлардан етарли хулоса чиқаришиб, тайёргарлик ишларини жадал суратда олиб бормоқдалар. Юртимизда ҳукм суръатган тароватли баҳор ўзининг гўзаллигини, кўркемлигини кўз-кўз қилаётган мана шундай ажойиб, байрамона кунларда қадим Хоразм тупроғида бўладиган Республика «Умид ниҳоллари—2003» финал босқичида пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Алпомош юртида туғилиб, вояга етаётган фарзандларимиз мамлакатдаги тенгдошлари иштирокидаги беллашувлардан шода-шода медаллар билан қайтишига ишонамиз. Шу эзгу мақсад йўлида уларга муваффақиятлар тилаймиз.

А.ЭРГАШЕВ,
Сурхондарё вилояти
ХТБ бошлиғи

УМИДЛАРИМИЗ КАТТА

мадиев, Ж. Нормуродов, Д. Қолдировлар терма жамоаларини ахил ва оммавий шакллантиришда кўлларида келганча имконият яратиб бердилар. 2002 йил вилоят «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг I-II-III босқичларини ўтказишда Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, вилоят «Ёшлик» КСЖ кенгаши ҳар томонлама эътиборни кучайтириб, республика «Умид ниҳоллари» мусобақасига тайёргарлик кўриш ва қатнашишда ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш учун ўқувчиларга спорт кийимлари ва керакли

услугачилари, спорт мактаблари директорлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Ушбу йиғилишда «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларини

да шакллантириш ҳамда республика финал босқичида қатнашиш учун тайёрлаш вазифаси юклатилди. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг вилоят финал босқичи 2003 йил 24-28 март кунлари Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Термиз шаҳар умумий ўрта таълим мактабларининг спорт заллари, спорт майдонлари, «Алпомош» ўйингоҳи ҳамда «Теннис» мажмуалари «Умид ниҳоллари» вилоят босқичида иштирок этувчи 8-11-синф ўқувчилари ихтиёрига берилди. Вилоят



ОРЗИҚИБ КУТМОҚДАМАН

Ўтган йили «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларига қатнашиб келиш учун Фарғона шахрига бориб гўзал шахарнинг ободлиги, сўлим кўчаларини, меҳмоннавоз халқининг ажойиб фазилатларидан баҳра олиб қайтган эдик. Шунинг билан бирга кўплаб дўстлар орттирдик, улар билан эсталик суратларига тушиб, хотирамизда унутилмас кунларни бошдан кечирдик. Бизнинг кўл тўпи жамоамиз чиройли ўйинлар кўрсатиб, умумжамоа таркибида III ўринни эгаллади. Бундай натижа билан керилиб гапиришим ҳам ноқоли бўлса керак. Аммо, ўйинлар давомида уюшқоқлик билан ғалабага интилдик. Терма жамоа бўлганлигимиз учун турли туманлардан фаол иштирок этган тенгдошларимиздан иборат гуруҳ аъзолари бир-биримизни унчалик яқиндан билмасак-да, сафар чоғида, поездда кетаётганимизда батафсил танишиб олдик. Мусобақа жараёнида эса барчамизнинг мақсадимиз аниқ ва яқдил— вилоятимиз шаънини ҳимоя қилиш эди. Шу фикрлар қуршовида ота-онамиз, таълим берган устозларимиз, мактабимизда қолган барча синфдошларим— барча-барчаси менга кўз тикиб тургандек бўлишди. Уларнинг ишончини оқлаш учун илдам ҳаракат қилдим. Лекин рақибларимиз биздан-да кучлироқ, юқори тайёргарликка эга эканлар. Голибликка бўлган эзгу мақсадимизни бу йил амалга ошириш учун жамоамиз билан келишиб, тайёргарлик ишларини анча олдиндан бошлаб юбордик. Бу ишда бизга энг яқин кўмакчилар албатта, яна жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз, мураббийларимиз бўлишмоқда. Ўтган йилдаги беллашувларда танишган тенгдошларимиз ҳам тезроқ кўрсам, дейман. Ўзимнинг куч-қувватимни, маҳоратимни кўрсата олишга имкон бердиган «Умид ниҳоллари—2003» финал мусобақаларини орзиқиб кутмоқдаман.

Камол ШАКАРОВ,
9-мактаб ўқувчиси

Менинг спортга булган қизиқишимга аввало оиладаги муҳит сабабчи булган. Ота-онам ҳам доимо инсон учун бадантарбия сув ва ҳаводек зарур, деб таъкидлайдилар ва биз фарзандлардан жисмоний ҳаракатчан бўлишимизни талаб қиладилар. Ана шундай муҳитда камолга етаётган ҳар бир угил-қиз менинг фикримча, теран фикр-

айниқса, қувонарли ҳолдир. Мана шундай катта имкониятларни биз учун яратиб берган Президентимиз ва халқимизга, биз учун жон куйдириб қайғураётган мураббийларимизга «Умид ниҳоллари» иштирокчилари ҳамда бутун мамлакат ёшлари номидан ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчи эдим. Хоразмда бўлиб утадиган спорт

КУРАШ МЕНИНГ ЖОНУ ДИЛИМ

ли, эзгу ниятли булади, чунки жисмоний жиҳатдан соғлом киши етти улчаб бир кесадиған, ҳурфикрли булади. Айниқса, ёшларга алоҳида эътибор бериладиган бизнинг Ўзбекистонимизда бу соҳа билан шугулланишни истаган ҳар қандай кишига барча имконият эшиклари очиқ. «Умид ниҳоллари»да олтин медални қўлга киритган ўқувчи-ёшларга имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқининг берилиши

ва дустлик байрамларида муносиб қатнашиб, олтин медални олишга астойдил ҳаракат қилмоқдаман. Мана шу каби спорт мусобақалари, оммавий ўйинлар янада раванқ топиб, кўплаб маҳоратли ёшларни кашф қилаверсин! Зеро, юрт тинчлиги, Ватан ободлиги келажак авлодлар қулидадир.

Ботир ҚОБИЛОВ,
12-мактабнинг
10-синф ўқувчиси

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» ТИНЧЛИК ТАНТАНАСИ

Мен ҳам барча тенгқурларим қатори «Умид ниҳоллари—2002»га иштирок этиб, кураш бўйича 55 кг. вазн тоифасида II ўринни эгалладим. Бундай натижага эришишимда устозларим—мураббийларимнинг ҳиссалари катта бўлди. Рақибим ҳам анча кучли йигит экан. Бу муваффақиятимнинг эндиги спорт мусобақаларида чемпионлик билан уйғунлашишни ният қилган ҳолда тайёргарлик кўрмоқдаман. Бу йил мактабни битириш оstonасида турибман, ниятим йўлдошим бўлиб, имтиёзли ўқишга кириш ҳуқуқини қўлга киритсам, мендан-да бахтироқ инсон бўлмаса керак. Мана шундай ширин орзулар оғушида ўқув-машгулотларимни ўтказмоқдаман. Ўзим кўҳна Хоразм халқи, уларнинг санъатсеварлигию буюк аждоғлари ҳақида жуда кўп эшитганман. Худо хоҳласа, бориб ўз кўзим билан Хивани, унинг тарихий ёдгорликларини зиёрат қилишни ҳозиргиданоқ юрагимга тугиб қўйдим. Ушбу улуғ тағбир бошланишига ҳозир-



«Умид ниҳоллари»— тинчлик тантанаси, дўстлик, аҳиллик, ўзаро меҳр-муҳаббатни шакллантирган учрашувдир.

Алишер ЭШБОЛТАЕВ,
33-мактабнинг 11-синф ўқувчиси

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг Фарғона вилояти шаҳарларида бўлиб ўтган финал босқичида Тошкент вилояти терма жамоаси ҳам совринли ўринларни эгаллаш мақсадида майдонга тушдилар. Маълум маънода спортнинг айрим турлари бўйича кўзланган мақсадга эришилди. Жумладан, вилоят жамоалари стол тенниси (1-ўрин), шахмат (2-ўрин), белбоғли кураш (3-ўрин), енгил атлетика (3-ўрин), футбол (5-ўрин) мусобақаларида муваффақиятли қатнашишди. Қўл тўпи мусобақаларида қизлар ўртасида кечган баҳсларда спортчи қизларимиз иккинчи поғонани забт этишди. «Умид ниҳоллари»

Осиё чемпионатида юртдошларимиз фақатгина 2 та олтин ва 3 та кумуш медални қўлга киритдилар, голиблик шоҳсупасига олти мамлакат курашчилари кўтарибдилар.

Кураш бўйича мусобақалар жуда кескин кечаётгани, кўплаб томошабинларни жалб этаётгани яхши. Буни фақат қутламоқ керак. Аммо илгариги имкониятларини халқаро майдонларда бой бериш ярамайди. Бунинг учун спортнинг миллий кураш турини умумтаълим мактабларида юқори даражада ривожлантириш лозим бўлади. Бу ҳақиқатни яхши англаган Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси умумтаълим ва спорт

ИШОНЧ ҲАМИША ҒОЛИБ



Ўтган йили Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари биз учун ўзига хос чиниқиш мактаби бўлди. Гап шундаки, у ерда бир-биридан қолишмайдиган тенгдошларимиз билан баҳсга киришдик. Асосан тошкентлик, фарғоналик, сурхондарёлик, бухоролик ёш шахматчилар совринли ўринларга даъвогарлик қилишди. Командадошларим Янгийўл шаҳридаги 10-мактаб ўқувчиси Д.Хуснутдинов, Чирчиқ шаҳридаги 14-мактаб ўқувчиси А.Қўчқоровлар ҳам улардан қолишмасликларини амалда кўрса-

та олишди. **Натижада биз фахрли иккинчи ўрин соҳиби бўлдик.**

Ғолиблик шоҳсупасида турар эканмиз, ўзгача ҳаяжон, ўзгача ғурур туйғусини ҳис этдик. Бу ўз навбатида Ўзбекистонимиз осмони мусоффолигидан, халқимиз бағрикенглигидан қувониш ҳислари ҳам эди.

Бу йилги мусобақалар жаҳонга буюк математиклар етказиб берган заминда бўлиб ўтади. У ерга қадам қўйганларда ҳам шахмат катакчалари устида қизгин баҳслар кечиши аниқ, деган фикр бўлади ва беллашувга жиддий тайёргарлик кўради. Биз ҳам математиклар юртига ўзига хос ишонч билан ташриф буюрамиз ва ишонч ҳамиша ғолиб, деган тушунча билан баҳсга киришамиз.

Муяссар ОРТИҚОВА,
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 6-мактабнинг 10-синф ўқувчиси,
Республика «Умид ниҳоллари-2002» спорт ўйинлари соврини соҳибаси

Жорий йилда ҳам Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси тизимидаги умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасидаги «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг III босқичи Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, Тошкент вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Тошкент вилояти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши қарори асосида уюшқоқлик билан ўтказилди. Хусусан, Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасининг умумий урта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш тўғрисидаги 219-сонли буйруғи қабул қилиниб, чора-тадбирлар белгиланди, шунингдек, ташкилий қўмита режа-


минлаш ва маданий ҳордиқ чиқаришлари учун турли тадбирлар амалга оширилди.

Вилоят 5-7-синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида умумий жамоа ҳисобида Чирчиқ шаҳри I уринни, Ангрен шаҳри II уринни, Қибрай тумани III уринни эгалладилар.

Мусобақа ғолиблари вилоят халқ таълими бошқармасининг I, II, III даражали дипломлари ва қимматбаҳо совгалари билан тақдирландилар.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг IV босқичида ҳам 8-11-синф ўқувчилари ўртасида беллашувлар ниҳоятда қизгин тус олди. Иштирокчиларнинг ёшлик шижоатлари, салоҳияти ва имкониятлари нималарга қодирлиги ҳар бир баҳсда ёрқинроқ намоён

ЯХШИ НИЯТ — ЯРИМ ДАВЛАТ



спорт ўйинлари дастуридаги жамоалар натижалари бўйича Тошкент вилояти жамоалари тўртинчи ўринни эгалладилар.

Фарғонада ўтказилган мусобақалар сарҳисоби айрим бўш жиҳатларни юзага чиқарди. Масалан, пойтахт вилояти волейбол ва баскетболчилари ўз маҳоратларини етарли даражада намоён қила билмадилар. Вилоят спортчилари миллий кураш мусобақаларида еттинчи ўрин соҳиби бўлишди. Буни ҳам мақтанарли ҳол, деб бўлмайди. Чунки ўзбек курашининг довуғи оламга ёйилмоқда, чет эликларда ҳам спортнинг бу турига қизиқиш тобора ортиб бораётган.

Дастлабки халқаро мусобақаларда полвонларимизнинг аксарияти ғолиб чиққан бўлса, ҳозир бу муваффақиятларга қийинчиликлар билан эришилмоқда. Чунки, Ҳиндистонда ўтказилган II

йўналишидаги мактабларда миллий кураш тўғрақлари фаолиятини яхшилашга ҳаракат қилаётган. Тўғрақлар сони оширилиб, уларга кўплаб ўқувчилар жалб қилинмоқда.

Албатта, ўтган йилги Фарғона мусобақаларида спортчиларимизнинг белбоғли кураш бўйича натижалари (3-ўрин) унчалик паст бўлмади. Терма жамоа аъзоларидан А.Ўринхўжаев, А.Раҳмонов, Х.Мирхайитов, С.Юсупбоев, Б.Икромиддинов, У.Хайриддинов, О.Жўраев, У.Орзиевлар бу соҳадаги маҳоратларини намоён қилиб совринли ўрин эгаси бўлдилар. Хуллас, ўтган йилги мусобақалардан тегишли хулосалар чиқарилиб, Хоразмда кечадиган беллашувларга жиддий тайёргарлик кўрилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент вилояти
ХТБ бошлиғи

ҲУПБОЛ — ЭНГ СЕВИМЛИ ҲУП



Тошкент вилояти халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг 8-11-синфлар ўртасидаги «Умид ниҳоллари — 2003» спорт мусобақасида ғолиб чиққан жамоалар тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилиб чиқилганда, Қибрай, Оққўрғон, Бўка туманлари футболчилари совринли ўринларни эгаллашгани маълум бўлди.

— Футбол — энг оммавий ўйин. Шу боисми вилоятимиздаги футбол мусобақалари ҳар йили, ҳар гал қизиқарли ва баҳсларга бой, қизгин тарзда ўтади, — дейди Тошкент вилояти «Ёшлик» КСЖ бош мутахассиси Шуҳрат Раимов. — Бу йил ҳам мусобақалар мурасасиз бўлди. Деярли барча туманлар терма жамоалари ғолиблик учун курашишди. Бунинг ўзига хос сабаби мамлакат олий лигасида тўп сураётган Тошкент вилоятининг «Дўстлик», «Металлург» каби футбол жамоаларига муносиб издошлар етказиб бериш ҳамдир. Қисқаси, «Умид ниҳоллари» вилоят босқичи мусобақаларида бир қанча умидли футболчилар ҳам кашф қилинди, десам муболага бўлмайди.



си, мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимлари жадвали ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди.

Бошқарманинг буйруғи ва «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг тасдиқланган Низоми асосида 2002 йил декабрь-январь ойларида шаҳар ва туманларда 5-7 синф ўқувчилари ўртасида беллашувлар ўтказилди. 2002 йил 8 январь куни Чирчиқ шаҳри Кимёгар спорт мажмуасида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Финал мусобақалари Оҳангарон, Олмалик, Ангрен шаҳарларида ва Оққўрғон, Пискент, Қирбай туманларида ўтказилди. Вилоят миқёсидаги мусобақаларда жами 3208 нафар ўқувчи қатнашди. Мусобақа қатнашчилари керакли спорт кийимлари билан таъминландилар. Мусобақанинг ҳар бир тури бўйича малакали ҳакамлар ҳайъати иштирок этди. Ташкилий қўмита ва спорт ўйинлари иштирокчиларини ётоқхона, иссиқ овқат билан таъ-

була борди. Айниқса, совринли уринлар учун баҳслар қизгин кечди. Стол тенниси бўйича совринли уринни ҳар галгидек Юқори Чирчиқ тумани вакиллари эгаллашди. Шахмат ва футболдан қибрайликлар аъло даражада ўйин курсатдилар. Сузиш ва теннисдан олмалиқликлар, кураш ва қўл тўпидан чирчиқликлар, енгил атлетика ва волейболдан ангрениқликлар, баскетболдан бўстонлиқликлар, белбоғли курашдан парктентликлар биринчи ўрин соҳиблари бўлишди. Қувончлиси, ғолиб ва совриндорлар орасида Тошкент вилоятининг барча туман, шаҳарлари борлигидир. Хуллас, 151 нафар ўғил-қизларимиз қадим Хоразмда бўлиб ўтадиган «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг республика босқичида пойтахт вилояти спорт шарафини муносиб ҳимоя қилишларига ишончимиз комил.

Дилмурод ОМОНБОВЕВ,
Тошкент вилояти
«Ёшлик» КСЖ кенгаши
раиси муовини

«ХОРАЗМДА ҲАМ БЎШ КЕЛМАЙМИЗ!»

Маълумки, 2002 йили Фарғона вилоятида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг Республика финал босқичида мезбон вилоят терма жамоаси фахрли 2-уринни эгаллаган эди. Бу йил ҳам фарғоналик ўқувчилар уюшқоқлик билан тайёргарлик куришди. Спортнинг футбол, қўл тўпи (усмирлар), волейбол (усмирлар), белбоғли кураш турлари буйича 2002 йилги беллашувларда голиблик шохсупасига кутарилган, энгил атлетика, баскетбол (қизлар), теннис турларидан 2-, қўл тўпи (қизлар), сузиш, волейбол (қизлар), шахмат турларидан 3-уринни эгаллаган спортчилар Хоразмда ҳам уз маҳоратларини намойиш этиб, юқори кўрсаткичларга эришишни мулжаллашмоқда.

— Бунинг учун барча шароитлар етарли, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Ходжаев. — Шаҳар, туманларда голиб бўлиб, вилоят босқичида қатнашган спортчи ўқувчиларимизнинг тайёргарлик маҳоратини куриб, мен шунга амин бўлдимки, уларнинг галабага бўлган интилишлари утган йилгидан ҳам юқори.



Фарғонача кураш қадимдан водий тўйларининг қизгин ва эсда қоларли ўтишига хизмат қилиб келган. Гарчи, собиқ иттифок даврида миллий ўйинларимизнинг таъқиқланиши, қуршовга олиниши кузатилган ва халқ эътиборидан четга чиқаришга уринилган бўлса-да, лекин, истиқлол туфайли миллий қадриятларимиз яна тикланди. У яна ўзбек тўйининг ажралмас бир бўлагига айланди. Шунингдек, уни ёш авлод онгига сингдириш, ундан фойдалана билиш мақсадида мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари таркибига миллий ва белбоғли кураш турлари ҳам киритилди. Ўтган йилги натижаларга кўра эса белбоғли кураш (фарғонача кураш) буйича умумжамоа ҳисобида мезбонлар голиб чиққан эдилар. Бу галги Республика финал босқичида ҳам юқори кўрсаткичларга эришиш учун фарғоналик курашчи ёшлар жиддий тайёргарлик кўрдилар.

Биз эса вилоят шарафини ҳимоя қилувчилардан бири, Бағдод туманидаги 31-мактабнинг 11-синф ўқувчиси Соҳибжон Ортиқовни суҳбатга тортамиз.

— Ўз уйингда деворлар ҳам сени кўллайди, деган гап бор. 2002 йилги финал мусобақаларида қандай кўрсаткичларга эришгансиз?

— Тўғри, ҳақиқатдан ҳар қандай киши

Хоразмга бориш ҳуқуқини қўлга киритган спортчи ўқувчиларнинг тайёргарлик куришида «Нефтчи» спорт мажмуаси, вилоят футбол лицей-интернати спорт базасидан кенг фойдаланилди. Терма жамоанинг асосий таркибини Фарғона шаҳри, Бағдод, Учқўприк туманлари спортчилари ташкил этган бўлса-да, футбол буйича Қўқон шаҳри ўқувчилари, волейбол буйича Марғилон шаҳри ва Ўзбекистон тумани усмирлари, Фарғона шаҳрилик қизлар, баскетбол буйича ҳам Фарғона шаҳри (қизлар), қўл тўпидан Фарғона (қизлар), Қирғули туманлари (усмирлар), белбоғли кураш буйича Ўзбекистон тумани, теннис ва бадий гимнастика буйича Фарғона шаҳри спортчилари вилоят шарафини ҳимоя қилдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, утган йилги «Умид ниҳоллари» мусобақаларида Республика голиби бўлиб, олтин медални қўлга киритган фарғоналик ёш футболчиларга мураббийлик қилган ва бу йилги терма жамоани ҳам катта мусобақаларга тайёрлаётган жамоа бош мураббийси

В.Пишук уз шоғирдлари билан мунтазам машгулотлар утказди.

Шунингдек, вилоят терма жамоаси республикамизда утказилаётган турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, уз маҳоратларини муттасил оширдилар. Масалан, 2003 йил 28-31 март кунлари улар Наманган вилоятида бўлиб ўтган республика биринчилиги мусобақаларида спортнинг «белбоғли кураш» туридан иштирок этиб, 11 та медал совриндори бўлдилар.

10-14 апрель кунлари Бувайда туманида белбоғли кураш буйича 86-87-йилларда тутилган усмирлар уртасида утказилган Республика биринчилигида 5 нафар спортчи чемпионлик шохсупасига кутарилди ва жами 13 та медал соҳиби бўлдилар.

Спортнинг «Қўл тўпи» тури буйича «Умид ниҳоллари» мусобақалари терма жамоаси таркибига кирган 85-87-йилларда тутилган усмирлар 1-8 март кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилган Республика биринчилигида иштирок этиб, фахрли иккинчи уринни эгалладилар.


14-24 март кунлари Самарқанд шаҳрида волейбол буйича қизлар уртасида утказилган Республика чемпионатида, 3-9 апрель кунлари Тошкент шаҳридаги Республика чемпионатида баскетболчи усмирлар, 4-7 апрель кунлари Бухородаги Республика чемпионатида бадий гимнастикачиларимиз, 8-12 апрель кунлари Тошкент шаҳрида утказилган Республика биринчилигида теннисчиларимиз фаол иштирок этишиб, уз маҳоратларини янада оширдилар.

«Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичига тайёргарлик кўриш билан бир қаторда, Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисидаги қарорини амалга ошириш борасида ҳам бир мунча ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қарорни ҳаётга татбиқ этишда шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳомий ва оталиқ ташкилотлар, хусусий тадбиркорлар ҳамда ота-оналар кўмаги катта бўлмоқда. Уларнинг ёрдами билан вилоят мактабларидаги спорт заллари, майдонлари қайта таъмирланиб, анжомлар билан таъминланмоқда.

млн.дан ортиқ маблағ 4,7,24-мактабларга ёрдам тариқасида берилди. Олтириқ туманида барча таълим муассасаларига 960000 сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Учқўприк туманида ҳомийлар томонидан мактабларга 25 та футбол, 32 та волейбол, 18 та қўл тўпи, 28 та баскетбол тўпи, 8 та волейбол сеткаси, 8 та стол теннис, 10 та теннис ракеткаси туҳфа қилинди. Фарғона туманида ҳам ҳомийлар томонидан мактабларга 350000 сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Жамоа хўжаликлари эса ўз ҳудудларидаги мактабларга спорт жиҳозлари учун 50000 сўмдан маблағ ажратдилар.

Бешариқ туманида 1, 16,



Ана шундай ишлар учун ўтган қисқа давр ичида ҳомийлар томонидан 80 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди ва сарфланди.

Жумладан, Марғилон шаҳридаги 4,7,21, Охунбобоев туманидаги 6, Олтириқ туманидаги 3-мактабларнинг спорт залларининг томлари шифер билан қопланиб, поллар тўлиқ таъмирланди. Учқўприк туманидаги 9 та мактабда спорт заллари, майдонлари мукамал таъмирланиб, теннис майдонлари ташкил этилган бўлса, Фурқат тумани ҳокимлиги ташаббуси билан тумандаги 9-мактабда барча қулайликларга эга бўлган спорт мажмуаси қуриш учун 60 млн. сўм маблағ ажратилиб, лойиҳалаштирилди.

Марғилон шаҳри ҳокимининг ташаббуси билан спорт зали томини шифер қилиш, таъмирлаш ишлари учун 2

23, 33-мактабларнинг спорт заллари жорий таъмирдан чиқарилди, 550000 сўмлик волейбол сеткаси ва тўплари билан таъминландилар. Мусобақа голибларига 250000 сўмлик мукофотлар берилди. Ёзёвон туманидаги «Хумо» фермер хўжалиги 48000 сўмлик, «Қоратёпа» МТП томонидан 50000 сўмлик спорт анжомлари 29-мактабга совға қилинди. Тошлоқ туманидаги БЎСМни таъмирлашга 70000 сўм ажратилди. Ота-оналар томонидан 32-мактабга 35000 сўмлик спорт анжомлари олиб берилди. Бундай ишлар бошқа шаҳар ва туманларда ҳам бажарилаётган бўлиб, буларнинг барчаси «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг янада оммалашшига, қизгин ва мурасасиз баҳслар остида ўтишига хизмат қилади.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТЧИЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ

уйида ўзини эркин тутди. Бунинг устига унга руҳан мадад берувчи мухлислари ҳам кўп бўлади. Ўтган йилги беллашувларнинг финал босқичига чиққанамда оиламиздагиларнинг барчаси кураш майдонига келиб, менга руҳан куч-қувват бағишлаб турган эдилар. Шу сабаб бўлса керак, 1-уринни эгаллаб, олтин медал соҳиби бўлгандим. Бу сафар ҳам юқори кўрсаткичга эришишга ҳаракат қиламан. Чунки, мактаб, туман, вилоят босқичларида яхши иштирок этиб, анчагина маҳоратимни оширдим.

— Ҳадемай мактабни тамомлаб, катта ҳаётга қадам кўяр экансиз. Бирор ўқув юртига киришни режалаштираётган бўлсангиз керак?

— Ҳа, Хоразмдан келганимиздан сўнг, битирув имтиҳонларини аъло баҳоларга топшириб, Фарғона давлат университетининг жисмоний тарбия факультетига ўқишга кирмоқчиман. Чунки, спортга бўлган қизиқишим бошқача. Устига-устак, аввал ўзим жисмонан соғлом бўламан, иккинчидан эса спорт соҳасида фаолият кўрсатиб, умримни унга бағишламоқчиман. Кела-

дан кўзланган мақсад ҳам соғлом авлод орзусига эришишдир. Айни дам ўзи «Умид ниҳоллари»да иштирок этаётган бу йигитча спорт сирларини ўзлаштириб, эртага катта ютуқларга эришмоқчи. Мустақил юртимиз байроғини жаҳон узра барқарор ҳилпирашига ҳисса қўшмоқчи. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳеч бир соҳа спортчилик мамлакатни тез дунёга танита олмайди.

Ҳа, бугун мамлакатимизда спортга, хусусан, болалар, ёшлар спортга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, бун-



Саҳифа материалларини Акромжон ТУРСУНАЛИЕВ тайёрлади.

МАҒЛУБИЯТ — КЕЛГУСИ ЮТУҚЛАР САБОҒИ

Хеч бир соҳа йўқки, спортчилик мамлакатни дунёга тез танитиб, халқларнинг бири-бири билан яқинлашишига, дўстлашишига туртки бўлса. Юртимизда спортга қаратилаётган эътиборга шу жиҳатдан қарасак, ёшларни спорт билан ошно қилиш мақсадида бугунги амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар бежиз эмаслиги кўринади.


Дарҳақиқат, спорт — тинчлик элчиси. У кириб борган ҳар бир хонадон, давлат ёки юртда баркамол авлод камол топиши, шубҳасиз. Зеро, тан соғлиги ақл соғлиги ҳам демасди. Воҳамиз халқида азал-азалдан спортга нисбатан меҳр, ташналик ўзгача. Шу боис халқ достонлари — “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Равшан”, “Ёдгор” каби халқ оғзаки ижодида тараннум этилган Ватан муқаддаслигию эзгуликнинг буюклигини юракдан ҳис қилиб, унга ҳатто жонини ҳам садқа қилишга тайёр алп қоматли паҳлавонлар кўп бу элда.

Бугун ана шундай паҳлавонлар киндик қони тўкилган тупроқда камол топаётган ўғил-қизларимиз ҳам боболари издоши. Бу эса вилоятда спорт тизимини ривожлантиришни талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, фарзандларимизнинг ёшлигидан спорт

билан мунтазам шуғулланишларини йўлга қўйиш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида ҳукуратимиз томонидан яратилган узвий спорт тизими — “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақаларининг ўтказилаётганлиги бу борадаги ишларимизни жонлантириб юборди. Ҳозирда халқ таълими бошқармаси таассаруфида 1083 та умумий ўрта таълим мактаблари, 21 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 1 та футбол интернати мавжуд бўлиб, уларда 2453 нафар жисмоний тарбия фани ўқитувчиси ва 194 нафар мураббийлар 623 минг 578 нафар ўқувчиларга жисмоний тарбия дарси спорт машғулотларини ўтказмоқдалар. Бундан ташқари, мактабларда спортнинг 27 тури бўйича 5353 та тўғарак ташкил этилган бўлиб, шуларнинг 4907 таси қишлоқ мактабларида фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли 141 та мактабда жисмоний тарбия фани бўйича 185 та чуқурлаштирилган синфлар ташкил қилинган. Ҳозирда ушбу махсус синфларда 4102 нафар спортга ихлосманд ўқувчи таълим олмоқда.

Албатта, ҳали олдимизда ечимини кутаётган муаммолар ҳам кўп. Бу жамоамизнинг 2002 йилда Фарғона шаҳрида ўтказилган ўқувчи ёшлар ўртасидаги “Умид ниҳоллари — 2002” спорт мусобақалари финал босқичида умумжамоа ҳисобида 11-ўрин билан кифояланганлигида ҳам кўринади. Таҳлилларга қарайдиган бўлсак, мазкур беллашувларда терма жамоамиз ўтказилган 11 та спорт турининг атиги 1 та тури, яъни Халқаро кураш бўйича биринчи ўринни қўлга киритган ҳолда, қолган 10 та тур бўйича баҳсларда 8-11-ўринлар билан чекланишга мажбур бўлишган.



Дарвоқе, кураш воҳамизда аллақачон оммавий спорт турига айланиб улгурган. Шу сабаб ушбу тур беллашувларида ўқувчиларимизнинг қўли баланд келган бўлса, стол тенниси, қўл тўпи, волейбол, баскетбол каби спорт турларида эришилган натижалар хулоса чиқаришга ундайди.

Шу боис жорий йилда мусобақаларнинг дастлабки босқичларини ўтказиш жараёнида айна оқсоқ жиҳатларимизга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилдик. Бу “Умид ниҳоллари — 2003” Республика босқичи мусобақаларига терма жамоалар-

нинг қизғин тайёргарлик кўраётганликларида ҳам кўринади. Бунинг учун энг замонавий спорт иншоотлари ўқувчилар ихтиёрида. Эътиборлиси, ўтган йили юқори кўрсаткичга эриша олмаган белбоғли кураш терма жамоаси ўз тайёргарлигини ошириш мақсадида Фарғона вилоятининг Бувайда туманида, баскетбол терма жамоаси Тошкент шаҳрида, шахмат жамоаси Фарғона шаҳрида ўқув машқ йиғинларини ўтказмоқдалар. Ўйлаймизки, Хоразмда бўлиб ўтадиган спорт мусобақалари финал босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоамиз ўтган йилги хатолардан тўғри хулоса чиқариб, голибликка даъвогарлик қилишади. Зеро, мағлубият келгуси ютуқлар учун сабоқ бўлади.

Р. РАҲАБОВ,
Қашқадарё вилояти
ХТБ бошлиғи

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ

Мен шу йил 23-30 март кунлари Фарғона вилоятида 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган шахмат бўйича Республика мусобақасида 1-ўринни эгаллаб, олтин медални ва жаҳон биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Ҳозир “Умид ниҳоллари — 2003” республика мусобақаларига тайёрланмоқдаман. Хурматли Президентимизнинг кўрсатаётган бекиёс ғамхўрлиги биз ёш спортчиларни янги



ғалабаларга чорламоқда. Насиб бўлса, келажакда қўлга киритилган барча ғалабаларимни жонажон Ўзбекистонимга бағишламоқчиман. Устоз ва ғамхўр мураббийларимга минг марта раҳмат. Бизга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, яратилаётган имкониятларни мустақиллигимиз шарофати, деб биламан.

Умида ЧОРШАНБИЕВА,
Қарши шаҳри 12-мактаб ўқувчиси

“ЁШЛИК” —

Вилоят “Ёшлик” кўнгили спорт жамияти ҳозирги кунда халқ таълими бошқармаси тизимидаги муассасаларда жисмоний тарбия ва спорт йўналишида бир мунча ишларни амалга оширмоқда. Вилоятдаги 14 та туман (шаҳар)ларда “Ёшлик” кенгашлари тузилди. 2002-2003 ўқув йили бошида вилоятдаги 1083 та мактабларнинг директорлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари, мураббийлари иштирокида “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларини ўтказиш, ўқувчилардан “Алпомиш” ва “Барчиной” тест синовларини, жисмоний тайёргарлик синов меъёрларини олиш ва мактабнинг жисмоний тарбияга оид

ҳужжатларини юритиш ҳақида семинар-кенгаш ўтказилди.

“Умид ниҳоллари — 2003” спорт мусобақасининг алоҳида дастури қабул қилиниб, барча таълим муассасаларига етказилди. Мусобақанинг 1-, 2-, 3-босқичларининг тўғри ва мазмунли ўтказилишига эришилди.

Мактабгача таълим муасса-

салари тарбияланувчилари ўртасида “Соғломжон-полвонжон” спорт мусобақалари, “Алпомиш” ва “Барчиной” тест синовлари эса IV босқичда ўтказилди.

1-4-синф ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари — 2003” спорт мусобақалари “Қувноқ стартлар” тарзида спортнинг беш тури бўйича бўлиб ўтди.

5-7, 8-11-синф ўқувчилари ўртасида “Умид ниҳоллари” ва енгил атлетика бўйича “Обод маҳалла йили”га бағишланган эстафетали югуриш, футбол бўйича маҳаллалар биринчилиги мусобақалари ўтказилди.

Вилоятда бадий гимнастика, белбоғли кураш, сузиш, енгил атлетика каби спорт турларини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Қарши шаҳридаги “Севинч” болалар

боғчасида, 11-мактабда бадий гимнастика тўғараги фаолият кўрсатмоқда. Белбоғли курашчиларимиз апрель ойида Фарғона вилоятида ўтказилган Республика биринчилигида иштирок этганлари эса қувонарлидир. Ҳозир “Умид ниҳоллари — 2003” Республика мусобақаларига тайёргарлик ишлари амалга оширил-

ТАЯНЧ

моқда. Ўқув-машқ йиғинлари Қарши шаҳрида шахмат, бадий гимнастика, сузиш, баскетбол, белбоғли кураш бўйича, Китоб туманида стол тенниси, теннис, волейбол (ўғил) бўйича, Ғузор туманида қўл тўпи (ўғил-қиз), кураш бўйича, Нишон туманида волейбол (қизлар), Косон туманида футбол бўйича машғулотлар ўтказилмоқда. Барча спортчилар Республика “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларига қатнашиш учун спорт формалари билан таъминландилар.

С. ИШОНҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти
“Ёшлик” КСЖ раиси
ўринбосари

